

Хотира абадийдир. Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга
ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

19

(712)-son

9-may

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

2 -бет

МУКОФОТЛАР
МУБОРАК!

3 -бет

КОМПАНИЯДА
БАЙРАМ

8 - 9 -бет

САРИОСИЁЛИК
ОМОН ПОЧТАЧИ

13 -бет

ҚАЛБДАГИ
НУР МАНБАИ


14 -бет

ТАМАРАХОНИМ

16 -бет



Миллионер
сувоқчи



Лутфилло ТУРСУНОВ олган суратлар

Интернет
ҳамкорларимиз:



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроҳим Каримов мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади. Унда шундай сўзлар бор: «Унутмангки, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз деб билади».

◆ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида», шунингдек, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилинди.

◆ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Тадбирда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда мавжуд айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари йиғилишларида ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ёрдам кўрсатишга мўлжалланган жамоатчилик асосидаги юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш ва шу каби бошқа долзарб масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

◆ Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун эълон қилинган «Олтин қалам» халқаро танлови ғолибларини мукофотлаш маросими ўтказилди. 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

◆ Урганч шаҳридаги «Хоразм палас» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда «Омбудсманнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва унга риоя қилишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятидаги муҳим вазифалар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда «Омбудсманнинг Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва унга риоя қилишни таъминлаш бўйича давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги: тажриба ва муаммолар» ҳақида маъруза қилинди.

Маърузада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, халқаро умумэтироф этилган нормаларини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш соҳасида Омбудсман фаолияти хусусида сўз юритилди. Вакил Олий Мажлисга «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Надавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан ҳам таклифлар киритилганлигини қайд этди.

◆ Андижон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Улуғимсан, Ватаним!» шiori остида республика китоб байрами ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тадбирнинг мақсади ҳақида гапирдилар ҳамда шу каби китоб кўргазмалари ўтказиш, китобхонлик кечалари, мушоиралар ташкил этиш ёшларни ва танпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидладилар.

◆ Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Авто олам маликаси — 2006» спорт мусобақаси ўтказилди. Унда мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган 27 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Мусобақа ғолибларига мукофотлар топширилди. «Авто олам маликаси — 2006» ғолибаси «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

◆ Адлия вазирлигида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққанлар Миллий дастур ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситалари билан Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамфикрлик истикболлари, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш манбалари, ҳуқуқ-тартибот идораларининг қонунчилик тарғиботи бўйича газета-журналлар, радио-телевидение билан йўлга қўйилган ўзаро алоқалари тўғрисида маъруза қилдилар. Оммавий ахборот воситалари ходимлари сўзга чиқиб, бу борада эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар хусусида фикр юритдилар.

Мукофотлар муборак!

Мустақил республикамизнинг равнақи йўлида олиб борилаётган улкан ишларда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият кўрсатаётган алоқачиларнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан соҳанинг ривожланишига, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини янада юқори даражага кўтарилишига қўшган муносиб ҳиссалари ва фидокорона меҳнатлари учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан Агентлик тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассаса ҳамда айрим қўшма корхоналарнинг раҳбар ходимлари, муҳандис-техник мутахассисларидан бир гуруҳи, жумладан:

«Ўзбектелеком Интернейшнл» қўшма корхонаси бош директори **Ҳикмат Ҳакимович ҲАКИМОВ**, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали Миробод телефон боғламаси 51-АТС кабел пайвандловчиси **Олег Ахмедович ҚАСИМОВ**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қорақалпоқ филиали Мўйноқ почта алоқаси тармоғи «Рыбокомбинат» алоқа бўлими хабарчиси **Каллигул Айтмуратовна СЕЙЛХАНОВА**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Навоий РТУМ «Лангар» 7-сонли РТС цех бошлиғи **Нуриддин Мирзаевич ПРИМОВ**, «Ўздунробита» масъулияти чекланган жамияти хорижий компанияси радиотизимни ривожлантириш бўлими бошлиғи **Сергей Александрович МЕЛНИКОВ**лар Агентликнинг «МОХИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони билан, «Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали «4-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси»нинг тармоқланувчи радиореле станцияси муҳандиси **Бектемир Халилович АЧИЛОВ**, «Чирком» қўшма корхонаси техник директори **Владимир Виталевич ШАГИН**, «Бухоро Телеком» филиали техник хизмат кўрсатиш марказининг муҳандиси **Назира Кабиловна БАЗАРОВА**, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директорининг биринчи ўринбосари **Шухрат Мухамеджанович КАРИМОВ**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали Хива почта алоқаси тармоғи «Дашйок» алоқа бўлими бошлиғи **Саробиби ЖУМАНИЯЗОВА**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почта» филиали Хатлар саралаш цехининг почта жўнатмалари сараловчиси **Фурқат Тешабоевич ЖАББОРОВ**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали Кува почта алоқаси тармоғи хабарчиси **Нурмуҳаммад ТЕШАБОВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети «Ўзбекистон тарихи» кафедраси профессори **Абдулла Ғуломович АБДУНАБИЕВ**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Андижон РТУМнинг бош ҳисобчиси **Лидия Петровна ИШХАНОВА**, «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонасининг етакчи муҳандиси **Дмитрий Николаевич ФАТКИН**, Давлат фелдъегерли хизматининг Самарқанд шаҳар бўлинмаси бошлиғи **Эркинжон Неъматович ХАЛИЛОВ**, АТ «Алоқабанк» Қорақалпоғистон филиали ҳисоб-амалиёт бўлими бош мутахассиси **Дариша Абдибаевна МАМАЕВА**, Электромагнит мослашув маркази телекўрсатув ва радиоэшиттириш бўлими бошлиғи **Надежда Михайловна САВИНОВА**, «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси смена муҳандиси **Тимур Исакович ТАДЖИБАЕВ**, «КОСКОМ» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси агентлар билан ишлаш бўлими бошлиғи **Руслан Аликович ШУНКАРОВ**, «East Telecom» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг каналлар ижараси бўйича менежери **Қурбонгул Одинаевна НАЗАРОВА**, «ЮНИТЕЛ» масъулияти чекланган жамияти радиотармоқ бўлими етакчи муҳандиси **Игор Владимирович КАН**, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи **Нурмуҳаммад Абдукаримович ТУРҒУНОВ**, Ўзбекистон алоқа ва

ахборотлаштириш агентлигининг халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Умида Раҳматжоновна МУСАЕВА**лар Агентликнинг «ФАХРИЙ ЁРЛИГИ», «Сирдарё Телеком» филиали «Алоқа сервис» ишлаб чиқариш хизмати электромонтажчиси **Яшар Зейдинович НАСИБУЛЛАЕВ**, «Наманган Телеком» филиали капитал қурилиш ва жорий таъмирлаш бўлими бошлиғи **Мирзаарҳим МАҚСУДОВ**, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали Станциялараро алоқа боғламаси электрон тизимларини узатиш цехи бошлиғи **Гулчеҳра Валиевна ИКРОМОВА**, «Сурхондарё Телеком» филиали Учқизил телекоммуникациялар боғламаси электромонтёри **Жўра Танғалиевич ПИРЛИЕВ**, «Жиззах Телеком» филиали 6-тоифали электромонтёри **Эркин Мўминович ШЕРҒОЗИЕВ**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Навоий филиали Нурота туман почта алоқаси тармоғи «Нурота-1» алоқа бўлими бошлиғи **Зойир РАҲМОНОВ**, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Қашқадарё филиали Шахрисабз туман почта алоқаси тармоғи «Шахрисабз-5» алоқа бўлими бошлиғи **Шавкат Амонович АБДУЛЛАЕВ**, «Матбуот тарқатувчи» АК Бухоро вилояти «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамиятининг Вобкент тумани бўлими бошлиғи **Абдулло Тиллаевич АМОНОВ**, «Алоқинвест» ОАЖ Тошкент махсус қурилиш-монтаж бошқармаси хайдовчиси **Атхамжон Ачилович Юлдашев**, «Коинот» ОАЖ техник назорат бўлими бошлиғи **Марат Ахтамович САФАРГАРАЕВ**, Тошкент ахборот технологиялари университети РРТ факултети «Радиотехник тизимлар» кафедраси катта ўқитувчиси **Станислав Александрович ВАСИЛЕВ**, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Андижон РТУМ муҳандиси **Ойбек Тўғунбоевич ЖУМАБОВ**, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сонли ҳарбий қисм) мобил алоқа воситалари алоҳида маркази бошлиғи **Николай Павлович ПРОКУДИН**, Давлат алоқа инспекцияси қурилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси **Санжар Омилович УМАРХУЖАЕВ**, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази телекоммуникация техник воситаларини сертифицилаштириш процедуралари бўлими бошлиғи **Жалол Шарафиддинович МАҚСУДОВ**, «ЎзИнфоком» компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази меъёрий базани такомиллаштириш гуруҳи етакчи мутахассиси **Хурида Шавкатбековна ТЕШАБЕКОВА**, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи махсус фанлар ўқитувчиси **Собит Ядгарович СОБИРОВ**, «Ўзсвязспутник» қўшма илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг тижорат ишлари бўйича директори **Дилмурод Анварович ЮСУПОВ**, «O'zAloqaKonsalting» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг ишлари бўлими етакчи мутахассиси **Найля Иметевна АЛИЕВА**, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус ишлар бўлими бошлиғи **Дилшодхўжа Убайдуллаевич АЛИХУЖАЕВ**лар «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» белгиси билан тақдирландилар.

Мукофотлар муборак, азиз ҳамкасблар!

BAYRAM TADBIRLARI

Мамлакатимиз уяли алоқа бозорида «Coscom» компанияси муносиб ўрнига эга. Ташкил топганидан бери ўтган йиллар давомида компания ўзининг ишончли уяли алоқа оператори эканлигини исботлади. Қулай ва ўхшаши йўқ тариф режаларини таклиф этиш, янги хизмат турларини киритиш ва энг муҳими — мижозларнинг ҳар бирига алоҳида ҳурмат ва эътибор билан ёндашишга компания томонидан алоҳида эътибор қаратилади.



ташкilotлардан келган меҳмонлар, компания мижозлари, матбуот ва телевидение вакиллари байрам муносабати билан ташкил қилинган даврага йиғилишди. Компаниянинг Андижон филиали директори Рустамжон Болтабоев сўзга чиқиб, меҳмонларни кутлади.

Шу куни филиал маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси яна бир ибратли тadbирга қўл урди — вилоятдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига моддий ёрдам кўрсатиб, бир боланинг суннат тўйи ўтказиб берилди. Бундан ташқари, филиал томонидан спорт мусобақаларига ҳам ҳомиёлик ёрдами кўрсатилди.

Отахон шоир, публицист Олиджон Холдор — «Coscom»нинг андижонлик биринчи мижозларидан. Шу куни шоирга тўн совға қилинди.

Байрам тadbirlари кечки пайт ҳам давом эттирилди. Кечага таклиф этилган кўлаб меҳмонлар, жумладан, «Андижон Телеком» филиали раҳбарияти, «Андижон электр тармоқлари» муҳандиси В.Феденко, «ACDI-VOCA» халқаро ташкilotи вилоят бошқармаси раҳбари Д.Рўзиев, вилоят савдо-саноат



Ўтганлар ёди азиз, тириклар қадри сарбаланддир

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида алоқачиларнинг касб байрами ҳамда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тadbир бўлиб ўтди. Тadbирга мазкур корхонада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилди.



Бу кун фахрийларимизни ҳар қанча эъзозласак, уларнинг неча йиллар давомида корхонамиз ривожига қўшган ҳиссалари учун ҳар қанча таҳсинлар айтсак оз.

Уруш йиллари Марказий телеграфда Аъзам Каримов алоқа цехи бошлиғи, Серафима Вайсерман эса телеграфчи бўлиб фаолият кўрсатган. Уларнинг эзгу ишлари ва ёрқин хотиралари доимо қалбимиздадир.

Шу куни алоқа тизими ривожига муносиб ҳисса қўшган Фёдор Щербаков, Варвара Бобилова, Эммануил Розенфелд, Андрей Тимофеев каби марҳум алоқачилар хотираси, эзгу ишлари ёдга олинди. Ўз навбатида, ҳозирда жамоамизда фаолият юритаётган фахрийларимиз ва байналмилал жангчилар яна бир бор эъзозланди. Уларнинг орасида афгон уруши қатнашчилари — “Азимут” йўлдошли алоқа станциясининг участка бошлиғи Зоитжон Қосимов ва техник ходим Олег Назаровлар ҳам бор. Корхонамизда 45 йилдан ортиқ меҳнат қилаётган фахрийларимиз — Саида Ибрагимова ва Артур Войцеховскийга “Моҳир алоқачи” фахрий унвони берилган. Ўзларининг бор билим ва маҳоратларини ёш мутахассисларга ўргатишдан ҳеч чарчамайдиган бу инсонлар иштирокида ташкил этилган давра суҳбати гоёта қизиқарли бўлди.



Тadbир сўнгига барча фахрийлар пул мукофотлари билан тақдирландилар. Сўнгга байрам дастурхони ёзилиб, ош тортилди.

Маҳмуда АРИПОВА,
“ТошТТС” филиали ходими

Компанияда байрам

Ўтган давр мобайнида «Coscom» компанияси мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларига жадал суръатлар билан кириб борди. Республикада биринчилар қаторида халқаро роуминг хизматини тақдим этди. Ҳозирга келиб барча вилоятларда компаниянинг минглаб содиқ ва доимий мижозлари мавжуд бўлиб, улар компания амалга ошираётган янгилик ва ўзгаришларни қўллаб-қувватлашмоқда.

Аҳолининг талаб-эҳтиёжларига асосан турли хил тариф режалари, ёшлар ва чет эллик фуқароларга мўлжалланган Real тизими, корпоратив мижозларга алоҳида тарифлар, муқобил рақам териш орқали халқаро кўнгироқлар учун арзон нархлар, ўзига хос SMS ва VMS хизматларининг мавжудлиги компания фаолиятининг фарқли жиҳатлари ҳисобланади.

2001 йилнинг ноябр ойида Андижон шаҳрида компаниянинг филиали ташкил этилганди. Тез орада филиал мижозлари сони кўпайиб, вилоятнинг бошқа туманлари аҳолисида ҳам таклифлар келиб туша бошлади. Мижозларга қулай бўлиши учун ҳозирда деярли барча туман марказларида корхонанинг 30га яқин шағобчалари очилган.

Икки йилдирки, «Coscom-Andijon» компанияси бир миллион абонентга мўлжалланган «Alcatel 1000 S12 LM 7» коммутиаторини қўллаб келмоқда. Бу қурилманинг афзаллиги шундаки, унинг асосида абонентлар сонини кўпайтирибгина қолмай, алоқа сифатини ошириш ва хизмат соҳаларини янада кенгайтириш мумкин.

2006 йил, айтиш мумкинки, компаниянинг Андижон вилоя-



ти бўйича кенг миқёсда ривожланиш йили бўляпти. Мавжуд таянч станцияларига қўшимча равишда. Пойтуғ, Охунбобоев, Кўргонтепа, Пахтаобод, Олтинқўл, Марҳамат, Маданият шаҳарларида ҳам станциялар ишга туширишга шай қилиб қўйилди.

Компания телекоммуникациялар соҳасида Ўзбекистонда биринчи, МДХда иккинчи бўлиб Германиянинг «TUV Rheinland Berlin-Brandenburg Group» халқаро сертификатлаш ташкilotи томонидан бериладиган «ISO 9001:2000» стандартига эга бўлгани бежиз эмас.

Яқинда Андижон шаҳридаги «Ок лайлак» кафеда тadbир ўтказилди — «Coscom» компанияси ташкил топганлигининг 10 йиллиги тантанали нишонланди.

Тонг саҳарда карнай-сурнай садолари остида Андижон шаҳрининг маҳалла оқсоқоллари, вилоят ҳокимлиги, корхона ва

палатаси раиси Р.Каримов, «ЎзКоджи» қўшма корхонасидан З.Сотволдиев, шунингдек, Украина ва АҚШдан келган меҳмонлар сўзга чиқиб, компанияни 10 йиллик шодиёна билан қизгин табрикларидилар.

Кечанинг файзли ўтишига хонанда Авазбек Ҳўжаев ва «Ан-диана» гуруҳи раққоса қизлари катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, «Дийдор» радиоси билан ўтказилган танлов ва викториналарга яқун ясалиб, уларнинг ғолиблари аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тарих учун қисқа фурсат — 10 йил ичида «Coscom» компанияси республикамизда эътиборга молик салмоқли ишларни амалга оширди, мамлакатимиз телекоммуникация соҳаси ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшди, халқаро миқёсда тан олинди.

Раҳмонжон УЗОҚОВ
Андижон вилояти

ФАН-ТЕХНИКА ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини

АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ

билан самимий қутлайди.

Қадрли ҳамкасблар!
Ватанимизнинг порлоқ
келажагини яратиш, унинг
ижтимоий-иқтисодий равнақи
йўлидаги фаолиятингизда
зафарлар тилаймиз.

Айёмингиз муборак бўлсин!



О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ “САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча ҳамкасбларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қизгин табриклайди.


*Арзу алоқачилар!
Сизга Ватанимизнинг
гуллаб-яшнаши,
сода равнақи йўлидаги
савб-ҳаракатларингизда
улкан зафарлар ёр
бўлишини истаб
қоламиз.*

Эзгу орзуларингиз ушалаверсин!

UNITEL МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.

Муҳтарам ҳамкасблар!
Сизларга машаққатли, аммо шарафли
фаолиятингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз!



«ALSKOM» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҚЎШМА СУФУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Барча алоқа ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан қизгин табриклайди.

Азиз алоқачилар!
Соҳа ривожини йўлидаги
масъулиятли ва шарафли
ишларингизда омадлар ёр
бўлишига тилакдошимиз.



O'ZBEKTELEKOM

“СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.

Эзгу мақсадларингизни
амалга оширишда
Сизларга куч-
қувват ва
омад тилаймиз.



Мамлакатимиз янада обод
ва фаровон бўлсин!



O'ZBEKTELEKOM

“ҚАШҚАДАРЁ ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Республика алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.

Хонадонингиздан
ҳеч қачон
хурсандчилик ва
файзу барақа
аримасин!



Неки эзгу мақсадларингиз
бўлса барчаси амалга ошсин.

“O'ZIMPEKSALOQA” YOPIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI ЖАМОАСИ

Барча халқасбларини
**АЛОҚАЧИЛАР
БАЙРАМИ**

билан қизгин қутлайди.

Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, омад ва бахт
тилаймиз.

Жонажон юртимизда доимо
тинчлик ҳукм сурсин!

**РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ**

Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳасида меҳнат қилаётган
барча инсонларни
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан қизғин табриклайди.

Олдингизга қўйган эзгу
мақсадларингизни амалга
оширишингизда сизга куч-қувват
ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Ўтиб бораётган ҳар бир лаҳзалар
ҳаётингизга мазмун бахш этсин!

"ЎЗИ-ЖИЗЗАХ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси
ходимларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.

Яхши ният ила
бошлаган барча
ишларингизда
ҳамиша омад ва
муваффақият
ёр бўлсин.

Хонадонингизга фойзу
барака тилаймиз!



**О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ
"СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Юртимиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси
ходимларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қутлайди.

Эзгу мақсадларингизни
амалга оширишда
сизларга куч-қувват
тилаймиз.

Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

**"АЛОҚАЛОЙИҲА" МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Алоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан чин қалбдан
табриклайди.

Қадрли ҳамкасблар!
Ўзаро ақиллигимиз ҳеч қачон
йўқолмасин. Ҳамиша элимиз хизматиға
камарбаста бўлайлик!

BROADEN YOUR LIFE

ALCATEL

ALCATEL SEL AG
КОМПАНИЯСИАлоқа ва ахборотлаштириш
соҳаси ходимлариниАЛОҚАЧИЛАР
БАЙРАМИ

билан чин қалбдан табриклайди.


Юртимиз фаровонлиги
йўлидаги ишларингизда
Сизларга зафарлар ёр бўлсин.Ўтаётган ҳар бир кун Сизга
олам-олам қувонч келтирсин!РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА
ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ ЖАМОАСИРеспубликамиз алоқачиларига
КАСБ БАЙРАМЛАРИ

ҳамда

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

муносабати билан самимий
тилакларини йўллайди.

ҚАДРЛИ ҲАМКАСБЛАР!
БАРЧАНГИЗГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК
ВА ИШЛАРИНГИЗДАРИВОЖ
ТИЛАЙМИЗ. ЎРТАМИЗДАГИ МЕҲР-ОҚИБАТ
РИШТАЛАРИҲЕЧ ҚАЧОН УЗИЛМАСИН.

Соҳамиз тараққиёти йўлида
ҳамжиҳатликда меҳнат қилаверайлик!

ТО'ҲАТ О'РНИДА

КАСБИГА МЕҲРЛИ ИНСОН

Хўжабой Хайруллаев “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Хўжайли почта алоқаси тармоғида анча йиллардан буён ҳайдовчи бўлиб ишлайди. Уни жамоада ҳамма эъзозлайди, чунки ҳафтасига олти марта Нукус шаҳри ва туман ҳудудидаги алоқа бўлимлари билан почта алмашинуви таъминлашда моҳир ҳайдовчининг хизматлари катта.

Туманда 16та алоқа бўлими аҳолига почта хизмати кўрсатади. Одамларга хизмат кўрсатиш жуда масъулиятли иш — почта алмашинуви бўйича ҳадвалнинг бузилишига асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ёзнинг жазирама иссиғи-ю, қаҳратон қишнинг ёғин-сочинли, яхма-лакли кунларидан қатъи назар автоташинининг техник жиҳатдан соз бўлиши ўта муҳимдир.

Тўғри, бозор иқтисодиёти шароитида ёнилғи материаллари, эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёж ҳар доим ҳам осонлик билан ҳал қилинавермайди. Шунга қарамай, “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади” деганларидек, Хўжабой ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди.

— Мен ўз ҳаётимни туманимиз почта алоқаси хизматини яхшилашга бағишлаганимдан миннатдорман, — дейди у. — Почта келганида, одамлар юзидаги табассумни кўриш нақадар бахт.

У билан бир жамоада меҳнат қилаётган почта кузатувчиси Сапарбой Ўразбоев ҳамкасби ҳақида шундай дейди:

— Хўжабой билан ишлаш жуда мароқли, чунки у жонқуяр ходим. Мабодо камчиликка йўл қўйсангиз, дарров тўғрилашга ҳаракат қилади. Ўтказиладиган анжуман ва тадбирларда ҳам у доимо хизматга шай туради.

У умр йўлдоши Гулаш Қўзибогарова билан тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

Меҳнаткаш инсон Хўжабой Хайруллаев шу кунларда қирқ беш ёшни қаршиляпти. Касбига бутун меҳрини бағишлаган азиз касбдошим, туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,
Хўжайли почта алоқаси
тармоғи касбаба уюшмаси
қўмитаси раиси

“КОИНОТ” ОЧИК
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИМамлакатимиз аҳолисини,
шу жумладан, алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси
ходимлариниАЛОҚАЧИЛАР
БАЙРАМИбилан чин дилдан
муборакбод этади.Ушбу шукухли кунларда
сизларга энг эзгу
тилакларни йўллаймиз.

Юртимиз гуллаб-яшнайверсин!

9-may — Xotira va

Шундай инсонлар бўладики, ақл-заковати, одамийлиги, меҳрибонлиги, ҳар қандай шароитда ҳам зарур пайтда ўзгалар учун беминнат ёрдамни аямаслиги, мустаҳкам иродаси ва камтаринлиги билан ҳурмат ва эътибор қозонади. Умрини алоқа соҳасига бахшида этган. Тўхтамурод ФАЙБУЛЛАЕВ ана шундай инсонлардан эди.

Барчамизга устоз эди

У ёшлигидан техникага жуда қизиқар, ўзича ҳар хил ихтиролар қилиб, улар яхши натижа берган вақтда қалби қувончга тўларди.

Тўхтамурод Файбуллаев меҳнат фаолиятини 1963 йили Ургут туманининг «Зарафшон» жамоа ҳўжалигида оддий ишчилардан бошлаган. У 1965-1970 йилларда Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олган. Ўқишни тугатган, 1970-1971 йилларда Самарқанд алоқа қурилиш-монтаж бошқармасида монтажчи, 1971-1988 йилларда Самарқанд шаҳар алоқа тармоғида, Каттақўрғон алоқа тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармасида масъул вазифаларда ишлади. 1988 йилдан 1997 йилгача Самарқанд вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасини бошқарди.

Мустақиллик йилларида Тўхтамурод Файбуллаев Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрида мавжуд аналогли алоқа тармоқларини «Siemens» ва «NEC» компанияларининг электрон рақамли станция жиҳозларига алмаштириш билан боғлиқ реконструкция ишларини амалга оширишда, Хитойнинг Шанхай ва Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳарларини боғловчи ТОО ЛОАЛ лойиҳаси бўйича Самарқанд вилоятида қурилишда ҳамда JBIC лойиҳаси бўйича вилоятнинг барча туманларини боғловчи оптик-толали кабел линиясини ётқизиш ишга туширишда бевосита раҳбарлик қилди.

Тўхтамурод Файбуллаев 1997 йилдан 2004 йилгача «Самарқанд Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари вазифасида ва 2004 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлади.

Унинг шогирдлари бугунги кунда нуфузли корхоналарда масъул вазифаларда ишламоқда. Жумладан, Хикмат Ҳакимов — «Ўзбектелеком Интернейшнл» қўшма корхонаси бош директори, Муҳаммади Саматов — «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Самарқанд боғламаси бўлими раҳбари, Герасим Ли — «Самарқанд Телеком» филиали директори, Руслам Рашидов — «ЎЗИ-Самарқанд» филиали директори, Норбой Примов — «ЎЗИ-Самарқанд» филиали шаҳар телефон тармоғи бошлиғидир.

Тўхтамурод аканинг oilаси алоқачилар oilасидир. Турмуш ўртоғи Дилором опа 1977 йилдан буён «ЎЗИ-Самарқанд» филиалининг телеграф бўлимида, ўғиллари — Алишер филиалнинг станция муҳандиси, Эркин EWSD муҳандиси, келини Феруза абонент бўлими муҳандиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Тўхтамурод Иброҳимович билан 20 йилдан зиёд бирга ишладик, — деб эслади филиалнинг маркетинг бўлими бошлиғи Людмила Осина. — Бу инсондан фақат энг яхши таассуротлар қолган. Очиқ кўнгилли, ширин сўзли, техника билимдони сифатида алоҳида ажралиб турган шундай инсон билан ёнма-ён ишлаганимдан жуда мамнунман. Бирор бир муаммо билан унинг қабулига кирган киши доим хурсанд ҳолда чиққан. У энг яхши дўст, намунали oilа бошлиғи, адолатли раҳбар эди.

— Устозимизни Самарқанд вилояти телекоммуникация тизимининг жонли энциклопедияси, десак муболаға қилмаган бўламиз, — деб ёдга олади филиал ходими Роза Усмонова. — Мен у кишининг 50 йиллик юбилей санаси ўтказилаётган кунларда алоқа соҳасига ишга келганман. Дунёқарашни кенг, салоҳиятли мутахассис, чин маънодаги маънавий оқсак бу инсон билан чинакам устоз деб фахрланаман. У киши ҳаёт бўлганларида бу йил 60 ёшга қарши оларди. Асосан раҳбарлик лавозимларида хизмат қилганлигига қарамай, Тўхтамурод ака қўл остида ишлаган ҳар бир ходим билан самимий, камтарона мулоқотда бўларди, ҳар қандай муаммолар бўлса ечишга ёрдам берар эди.

Алоқа тизимини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Т.Файбуллаев бир неча бор муносиб тақдирланган. У киши 2003 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Самарқанд вилояти телекоммуникация тизими, почта соҳасининг ривожланиши учун бутун куч-қуввати, илми, тажрибасини, самарали меҳнатини сарфлаган моҳир алоқачи Тўхтамурод Файбуллаевнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

**«ЎЗИ-Самарқанд» филиали жамоаси номидан
Абдуғафур ҲОТАМОВ**

Эзгу тилаклар ижобат бўлмай

— Дунё халқлари бошига мислсиз кулфат ва алам солган фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган ҳамюртларим сафида урушнинг охиригача жанг қилганман, — дейди Когон туманида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси, I гуруҳ ногирони Халил ота РАЗЗОҚОВ.

Ота бу йил 86-баҳорини қаршилади. У Ленинград қамалини ўз кўзи билан кўрган. Гудадан айрилган оналар фиғонига, онаизорини йўқотган болаларнинг оҳ-ноласига гувоҳ бўлган.

Халил Раззоқов урушдан кейинги йилларда туман почта алоқаси тармоғида меҳнат қилди. Оддий хат ташувчи сифатида эл орасида обрў-эътибор қозонди. У дорилармон кунларга етганига шукрона айтади. «Юртимизга кўз тегмасин, Ватанимиз осмонни мусаффо бўлсин, Яратганнинг ўзи уни бало-қазолардан асрасин», дея қўллари ҳамisha дуога очиқ

Ота сингари урушнинг ўт-оловли йўллари мардона босиб ўтган, ўз ҳаёти ва фаолиятини почта алоқаси тармоғини ривожлантириш ва тизимни такомиллаштиришга бахш этган соҳа ходимлари Бухоро вилояти шаҳар ва қишлоқларида талайгина. Улар сафига ибратли ҳаёт йўли билан кўпчилик-

ка ўрнат бўлган собиқ фронтчилар — олотилик Оқча Жумаев, қоракўллик Ҳамро Раҳматов, гиждувонлик Жума Ашуров, Масри Жўраев, Ҳожи Адизов, Худойберди Ҳамроев, Ориф Олимов, шофирконлик Холмиёз Ҳикматов, Пиржон Назаров, янгибозорлик Зоир Умедов, Рамазон Садилов, Файзи Холлов ва бошқалар бор. Турли байрамлар арафасида уларнинг хонадонлари қуролдош дўстлари, ёру биродарлари, қариндош-уруғлари билан тўлиб кетади. Табиийки, қутлуг сана — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳам бундан мустасно эмас. Ана шу муборак сана муносабати билан билдириладиган энг эзгу тилакларнинг ижобат бўлиши эса айни ҳақиқат.

**Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти**

Омон Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, уйга икки оёқсиз қайтди.

Қишлоғининг хувиллаб қолгани унга ботмондай огир ботди. Беихтиёр сўқмоқ йўл бўйидаги харсанттошга бир амаллаб чўкиб, чуқур нафас олди. Тугилиб ўсган ва шўх-шодон болаллиги кечган юртга ана бир бор соғинч билан боқди. Шу чоғ қишлоқ четидидаги ўтовга кўзи тушди. Унинг тўйнуғидан тутун чиқиб тургани Омон ўрновда ёруғ кунларга умид ўйотди: «Епирай, Маҳкам хола борга ўхшайди-я!». У шундай хавотир аралаш интиқлик билан ўрнидан туришга чоғланди. Аввал ўнг, сўнг чап қўлтиқтаёқда долдай қаддини ростлаб олгач, Ҳисортоғ тарафдаги ўтов томон одимлай бошлади.

Маҳкам хола останада турган қўлтиқтаёқли кишига бегоналардай муомала қилди:

— Ким бўласан, бизникига нега келдинг?

Бу ҳолатдан собиқ жангчининг кулгиси қистади:

— Ўринбой аканинг ўғли Омон бўламан, хола. Танимаганингизча бор, олти йил олдин аскарликка кетган эдим.

— Вой, эсим курсин-а, Омон-жонмисиз?!

Каталакдек уйда Маҳкам хола ёлғиз эмас эди. Унинг қизи Тўтихон қутилмаган меҳмонга тўшак ташлади. Улар алламаҳалгача гурун қилишди. Омон қариндошларининг Тожикистонга кўчганини, акалари Одина ва Туроббойларнинг эса фронтга кетганини холадан эшитди.

Уруш тугайли олган жароҳатлари Омонга азоб берарди. Тун бўйи инграбич қикди. Бундан хижолат чекаркан, тонг ёришиши билан йўлга чиқаман, деган ниятни кўнглига тугиб қўйди.

Эрталабки нонушта пайти у кечаги ҳолатидан қимтнингиз ўтирди. Маҳкам хола эса арпа унidan қилинган патирини ушатиб: «Кани, Омонжон, олинг», дея чойга тақдир этди. Қишлоқдошининг оналарча меҳрибонлиги кўнглига таскин берди. Қайноқ чойни ҳўлларкан,



Сариосиёлик

тундаги безовталиқ чоғи кўнглига келган гапни айтди.

Маҳкам холагининг одамшавандилиги яна бир бор билинди:

— Эҳ, ўғлим, бу ахволда қаерга ҳам борардингиз. Кўч-кўренини от-овога ортиб, тоғ ортига ўтган ҳешларингизнинг манзили аниқ бўлсаям майли эди. Уйим тор бўлса ҳам, кўнглим кенг. Яшаб туринг, кани, уруш тугаб қолса, бир қарорга келармизда!..

Кун тунга, тун эса тонга улашиб ўтаверди. Ҳали битиб улгурмаган огир жароҳат зарбига бардош беришда она-бола меҳри худди шифобахш гўёҳдай куч-қувват бағишлади. Тўтихоннинг тобора ўзини яқин олишлари-ю, сирли боқишлари, ўрнидан туриши ва ётишига шафқат ҳамшираси мисол кўмаклашишлари Омонни тушун қайфиятлардан асрарди. Бўй-баста келишган қизнинг яхшилик тимсолидаги бу интилишлари замирида муҳаббат гули ўсаётганини ногирон жангчи сезмас эди.

Дарё ўзанидай узун тунларнинг бирида у қўрқинчли туш кўрди. Душман танки устига

бостириб келаётган эмиш. Алаҳсираш аломатлари анчадан буён уйғоқ ётган Тўтихонли кўмакка қорлади.

Омон ўзига келиб, пешонасини сийпалаётган қўл тафтини сезди. Қўзини очиб, мойчирикнинг хира ёғдусида Тўтихонли кўрди. Қутилмаган холдан йигитнинг юраги ҳаққириб кетди.

— Ёмон туш кўрдингиз-а, Омон ака?!

Онам сезиб қолмасин, деб аста ва омонатгина айтилган сўз Омонга ёқимли қўшқдай туюлди. У айб қилган кишидай уялиб, ҳеч нарсга демади. Фақат чуқур ҳис-ҳаяжон билан ипакдай майин бармоқларни қафтига олди...

— Маҳкам хола билиб қолса, нима қиламиз?

— Хавотир олманг, Омон ака. Сизсиз ашай олмайман. Қўйнаиб кетдингиз...

Тўтихон иккунини онасига рўй-рост айтди. Хабардан онанинг фиғони фалакка етди.

— Ниятингдан қайт, қизим. Унинг икки оёғи йўқ. Бунинг устига ёши сендан анча катта бўлса.

Qadrlash kuni

Пирхонали Курбонов — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Кўплаб орден ва медаллар соҳиби. Урушдан сўнг Риштон тумани Тўда қишлоғидаги почта бўлими бошлиғи вазифасида 1985 йилгача ишлади. Ишдан сўрасалар, яйраб-йайраб, кулгили воқеалардан ҳикоя қилишни хуш кўради. Аммо 9 май яқинлашса, ёшлик йиллари, уруш даҳшатларини хотирлаб, дарду дунёси қоронғу бўлиб кетади.

— Номи ўчсин урушнинг, не-не қуролдош дўстларимдан жудо қилмади, — дейди отахон мунг тўла нигоҳи янада мунгайиб. — Неча миллион одамнинг бошини еди. Онажоним ҳам уруш отлиғ кулфатга дош беролмай, ҳаётдан эрта кетганлар. Акам, укам, мен фронтда эдик. Самарқандда ўқув машғулотлари бўлаётган эди. "Онажонимизни топшириб қўйди", деган мазмундаги

хатни олдим, ўзни кўлга олиб, "Аллоҳнинг иродаси", дея қуръон тиловат қилдим. Аммо жонимга жой тополмай қолдим. Хали у ёққа, хали бу ёққа юраман. Қани қанотим бўлсаю, қишлоғимга учиб бориб келсам, дердим.

— Оддий аскар Курбонов, бу нима қилиқ, сенга уч сутка арест!

Командирнинг шафқатсизлиги ўртанган кўнглимни баттар ўртаб юборди. Бахтимга рота бошлиғимиз келиб қолди. У яқиндагина мени шахсан ўзи снайперлар сафига қабул қилганди. Қарийб олти юз метр масофадаги нишонга оттириб қўриб, қойил қолганди.

— Тайёр снайпер экансан-ку! Сенга отишни ким ўргатган?

Ёрғарлик кўраётган жанговар аскарсан. Оҳ-воҳни бас қил. Яхшиси, сафар тадоригини кўр. Ўзим таътил олиб бераман, Фаргонангни, даданг Курбонбой овчини зиёрат қилиб келасан...

Ўқувчилар уруш ҳақида сўраб қолса, отахон уларга ҳам аввало шу воқеани гапириб беради. Улар ҳикояни



охиригача уруш жароҳатларидан азоб чекиб, 1994 йилда вафот этди...

Табаррук отахон 8 фарзандни воёга етказган. 25 неvara, 3 нафар чеваранинг сеvimли бобоси. Отахон билан хайрлашиб қайтарганидан, унинг суҳбатимиз низоҳасидаги сўзлари кулоғимдан кетмайди:

— Хар тонг кўзимга чехраси офтобдек ёруғ онажоним кўринади. Ўттизга ҳам кирмаган, ёшгина. "Тур ўғлим, далаларга чиқиб кел", деган ширали овозини эшитаман...

Ҳафиза САЛЯХОВА
Фаргона вилояти

Пирхонали ота ҳикояси

— Отам овчилар. Биз ўрдақ отардик...

— Барақалла, ота ўғил! — дея елкамга қоқиб қўйди. — Бугун снайперлар сафига ўтасан.

У келдию, жонимга оро кирди. Хатто чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларимни артиб ҳам қўйди.

— Жигит, сен урушга тай-

жон кулоқлари билан тинглайдилар.

— Ёшим саксон бешдан ошди. Чехословакия, Венгрия учун жангларда иштирок этдим. Мендан олдин отилиб "Душманни инига қувамани!", деб кетган Мадаминжон укам урушдан қайтмади. Акам Хайдарали қайтдию, то умрининг

— Мен Омон акамга оёқ, чўккан кўнгилларига дармон бўлмоқчиман.

— Жон қизим, биласан-ку, якка-ю ёлғизимсан, лоақал тенг-тенги билан, деган гапга амал қилгин...

Онасининг кўз ёшлари Тўтихонни ўйлантириб қўйди. Шу боис гап қайтармади. Берган сутти ҳурматино ўрнига қўйиб, Яратгандан сабр талади. Маҳкам хола ҳам йиғитга лом-лим демади. Қилган яхшилигини пеш қилмади. Омон эса она-бола орасида ўтган гапдан бе-хабардай яшайверди.

Бир куни у Маҳкам холага: "Берган тузингиз, кўрсатган ҳимматингиз учун катта раҳмат. Энди менга рухсат берсангиз, бошим оқдан томонга кетиб, тақдиримга ёзилганини кўрсам", деб

Омон ака туманининг ҳозирги Ойбек маҳалласига биринчи хабарчи бўлиб ишга кирди.

Қувонч ҳам қўшалоқ келади, деганларидек, Ўриновлар оиласида биринчи фарзанд дунёга келди. Омон ака ва Тўтихон опа тўнғич ўғилга Аминжон деб исм қўйишди. Маҳкам хола неварали бўлганидан мисоли олам қадар севинди. Беихтиёр у урушдан мажрўх бўлиб қайтган йиғитга ҳамдард яшашга чоғланган қизининг раъйини қайтаришга уринганидан хижолат чекди.

Қўлтиқтаёқда қишлоқ кезиб, почта жўнатмалари ва газета-журналларни эгаларига етказиш Омон акага осон бўлмади. Аммо у қийинчиликларни урушдан кўрган азоб-ўқубатлари олдида ҳеч нарса эмас деб билди. Тўтихон ҳам гоҳ-гоҳида унга

бўлмасин, барибир ортда қолган суронли кунлар жароҳатлари янгилангандай бўларди. Бироқ у кўнглида кечаётганларни билдирмас эди.

Хар йили июл ойининг ўнинчи кўни сариосиёлик Ўриновлар табаррук хонадонга жам бўлишди. Шу кўни Омон бобо ҳам Тўтихон момо ҳам таваллуд топган. 11 нафар ўғил-қиз ота-оналарининг хотирасини ёдга олишди. Икки оёғидан ажралса ҳам фронт йўлида қолиб кетмаган собиқ пулемётчи 82 йил умр кечирди. Фарзандлари камолдини, Ватанимиз мустақиллигини кўриб, армони қолмади. Фақат қирқинчи йиллари Тожикистонга кўчиб кетган қариндошлари орасидан ота-онасини тополмади. Урушга кетган акалари Одина ва Туроббойларнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақида "қорахат" келганлигини билди.

Омон бобо ўғилларидан бири — Одилжоннинг ўз касбини эгаллаганидан беҳад мамнун бўлган эди. Бугунги кўнда у "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиалида почта бўлимининг етакчи мутахассиси бўлиб фаолият кўрсатяпти.

— Отам Ташкент шаҳрида Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилаётгани ва Хотира майдонига фронтдан қайтмаганлар учун рамзий хотира китоблари ташкил этилаётганидан хабардор эди, — деб эслайди Одилжон. — Шу боис, "Агар бориш насиб қилмаса, сен шу ерга борасан", деб васият қилган эди. Пойтахтдаги Хотира майдонини зиёрат қилиш отамга насиб этмади. Мен у ердаги Сурхондарё вилоятига бағишланган хотира ёдномасидан Деновдан фронтга кетган, аммо қайтмаган қуролдош дўстларини ва икки бобомнинг номларини ўқиб, уларнинг ҳақларига қуръон тиловат қилиб, отам васиятини бажардим.

Одилжон хар гал қишлоғига борганида, отаси Омон бобо ўриновни худди от миниб, хонадонма-хонадон юргандай тасаввур қилади. Ҳа, эл-юрт манфаати йўлида фидойи бўлиб, ўчмас из қолдирганга не етсин!

Нортожи ЗИЁЕВ
Сурхондарё вилояти

Омон почтачи

қолди. Тўтихоннинг бу гапдан хабари бўлса ҳам, ўзини билмасликча олиб, йиғлай бошлади.

Маҳкам хола уларнинг келишиб қўйганини билмас эдим. Юм-юм йиғлаётган қизига раҳми келди ва:

— Ўғлим, — деди, — ёшим ҳам ўтиб борапти. Шу ҳўвиллаган овулда бизни ташлаб кетманг.

Тўтихон ўзи тўқиган "сценарий" иш бераётганидан қувониб, ўтовга кириб кетди. Она ризолиги икки қалб "боғи"ни яшлатиб юборди.

1945 йилнинг май ойида уруш тугаганини ҳақидаги хушхабар келди. Собиқ жангчи Омон Ўринов галаба нашидасини сураб экан, қаҳрамонларча ҳалок бўлган қуролдош дўстлари хотирасини ёдга олди. Энди тинч замонда астойдил меҳнат қилишни кўнглига тугди. Сариосиё туман почта алоқаси бўлимида унга "ўзингиз биринчи гуруҳ ноғирони экансиз", деган бироз таънали сўз айтишиб, шаштини қайтаришга ҳам уринишлар бўлди. Аммо у аҳдида қатъий турди.

қўмаклашиб турди. Барибир, қўлтиқтаёқ билан хизмат қилиш муаммоси қадам сайин билинаверди. Кўп ўтмай, Омон ака қўлтиқтаёқларни ёғоч оёқларга алмаштирди. Туман почта алоқаси бўлими фидойи инсонга от олиб берди. Қизилқашқа тўриқ унга ўрганиб қолди. Омон аканинг эгарга чапдастлик билан миниб олишлари кўпчиликни ҳайратга соларди.

— Мен қишлоқ одамларига ҳуржунни тўлдириб хат-хабар, газета-журнал таширдим, — деб эслар эди Омон бобо. — Уларнинг қувонганини кўриб, яшариб кетардим. Айниса, харбий хизматдаги фарзандидан мактуб олган оилалар сеvingанидан кўз ёшларимни яширолмаганим рост.

Омон бобо салкам ярим аср почта соҳасида самарали хизмат қилди. От билан қишлоқ оралаганда; уни ҳамиша бола-лар куршаб оларди. Бир куни улар собиқ жангчидан оёқларингиз қаерда, деб сўраб қолдишди. "Оёқларимни немислар жавас қилиб олиб қолган". Жавоб қанчалик болаларбон

Ёрқин хотирангиз қалбимизда

Бир аҳли донишдан сўрабдилар: "Умр мазмунининг мезони нимада намоён бўлади?" Донишманд жавоб қилибди: "Ҳалоллик, ниятнинг поклиги ва ўзгаларга бўлган эътиборда".

Шундай умрлар бўладик, гарчи боқийликка айланган бўлса-да, ортида яхши ном, ўчмас хотира, боқий сўз қолади. Алоқа соҳасида қарийб қирқ беш йил самарали фаолият кўрсатган фидойи инсон Бозор ОТАБОВЕВ ҳам ана шундай мазмунли умр кечириб, ўзидан яхши хотира қолдирган.

Бозор Отабове Фузур тумани, Мели Раҳмонов жамоа ҳўжалиги Эскибўғ қишлоғи алоқа бўлимида 1958 йилдан токи нафақага чиққўнига қадар меҳнат қилди.

У меҳнатсеварликни, ҳалоллик ва ростўйликни қадрларди. Жамоада меҳрибонлиги, ёш мутахассисларни сўйи билиши, одамийлик хислатлари билан ўз ўрнига эга бўлган бу инсон соҳа билимдонларидан эди. Кўплаб шоғирдлар тарбиялаб етиштирди. Сафдошлари — марҳум Сайдулла Ҳаққулов, Чори Файзиёв, Антонина Тулейкина, хозирда нафақада бўлган инсонлар — Йўлдош Ҳусанов, Ҳолмамат Мўхаммадиев, шоғирдлари — Қўшша Исмаилов, Жўма Абдиев, Мейли Бозоров, Норбой Эшқурбонов, Бахтиёр Отабове, Дилшода Отабовеаларнинг иш тарзларида Бозор аканинг ҳаммаси, устоз сифатида ўз ўрни бор.

— Отажонимнинг одамларга меҳрлари бошқача эди, — дейди Фузур халқаро сўзлашув станцияси ходими Қўндўз Отабовева. — Каттага ҳам, кичикка ҳам бирдай ҳўшмуомалали эди. Яқинларидан бирор бир кишининг бемор бўлиб қолганини ёки бошига бир муаммо тушганини эшитса, ўз ташвишларини четта суриб қўйиб, кўнгил сўрашга чоғланарди. Отам устозим сифатида ҳам менга яқин маслаҳатчи бўлдилар. Оилада тўнғич фарзанд сифатида уларнинг касбларига муносабатларини кўриб, шу соҳани танлашга жазм этдим. Ҳаёт сабоқларини ҳам отамдан ўргандим. Улар биз учун ибрат мактаби эди.

Иш жараёнидаги хар қандай вазиятда, муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишда ҳам Бозор ака самимийлигини йўқотмай, мулойимлик, камтаринлик билан иш тутар эди.

— Устозимдаги одамийликни тез-тез эслаб тураман, — дейди Фузур шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Мейли Бозоров. Билмаганларимизни бағрикенглик билан ўргатарди. Касбимиз бир қарашда оддийдек туюлади, бироқ ўзига хос сир-синоатлари бор. Бозор ака ишимизнинг ана шу томонларини синчковлик билан ўргатар, миҳозларнинг кўнглига йўл топа билиш кераклигини ўқитар эди.

Ҳа, инсон хотираси муқаддас. Марҳумлар ортларида қолдирган эзгу ном билан тирикликнинг ҳикматино англайиб кетадилар. Инчунин, ҳаётда фақат меҳнат, ҳалоллик ва яхшилик инсоннинг зийнати бўлади. Ҳамиша яхшиликларини дуосида бўлган Бозор ака Отабове ҳам яқинлари, сафдошларию шоғирдлари, бугунги кўнда турли соҳаларда меҳнат қилаётган саккиз нафар фарзандининг қалбида ана шундай ёрқин хотираларни муҳраб кетди.

Замира МАМАТҚУЛОВА
Қашқадарё вилояти

O'ZBEKTELEKOM

**"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

*9 май Хотира ва Қадрлаш куни
муносабати билан Ўзбекистон халқига,
жумладан, алоқа соҳаси ходимларига
тинчлик-омонлик тилайди.*

*Ўтганларни ҳурмат билан эслаб,
тирикларни қадрлаб яшайлик!*



МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Хотира ва Қадрлаш куни
муносабати билан
юртдошларимизга ўзининг
энг эзгу тилаklarини билдиради.



**Халқимизга хос бўлган оқибат,
одамийлик, бағрикенглик каби
муқаддас тушунчалар ҳеч
қачон йўқолмасин!**

O'ZBEKTELEKOM "ФАРФОНА ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Хотира ва Қадрлаш куни

муносабати билан
барчангизга меҳр-оқибат,
юртимиз фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган
ишларингизда
муваффақиятлар
тилаб қолади.

*Ўтганлар хотираси доимо
қалбимизда бўлсин, бир-
биримиздан меҳр-
мурувватни аямайлик!*

"ЎЗИ-ҚАРШИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Хотира ва
Қадрлаш куни**
муносабати билан республикаимиз
аҳолисига энг эзгу
тилаklarини йўллайди.

**Боболардан мерос
қолган қадриятларимиз
авлодларимиз учун ҳам
муқаддас тушунчаларга
айлангай.**

**Хонадонингизда тинчлик,
хотиржамлик ҳукм сурсин!**



ДАВЛАТ АЛОҚА ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқига
9 май — Хотира
ва Қадрлаш куни
 муносабати билан
 энг эзгу тилаklarини
 изҳор қилади.

*Гўзал инсоний туйгулар
 қалбларимизни ҳеч қачон
 тарк этмасин!*

**"ADOLAT KUCHI" АДВОКАТЛИК
ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

*Жонажон юртимизда
 истиқомат қилаётган
 барча инсонларга, жумладан,
 алоқа соҳаси ходимлари
 ҳамда ўз мижозларига*

**9 май — Хотира ва
 Қадрлаш куни**
 муносабати билан самимий
 истаklarини йўлайди.

*Бир биримиздан меҳр-
 мурувватни дариг тутмайлик.
 Хаёғ деб аталмиш бу чаманзорга
 яхшилик уруғини қадаб яшайлик!*

**"ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН
ТАРМОҒИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Мамлакатимиз
 алоқачиларига*

Хотира ва Қадрлаш куни
 муносабати билан
 самимий дил
 изҳорларини билдиради.

*Бир-биримизга меҳр-
 мурувватли бўлайлик.*

*Ўтганларни доимо ёдга олиб,
 тирикларни эъозлаб яшайлик!*

**ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ
МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқига
**9 май — Хотира ва
 Қадрлаш куни**

*муносабати билан
 тинчлик, оилавий хотир-
 жамлик тилаб қолади.*

*Меҳр-мурувват ришталари
 ҳеч қачон узилмасин.*


*Доимо ўтганларни
 ёд этиб, аждодлар руҳига
 ҳурматда бўлайлик!*

Компьютер саводхонлиги



(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)
4-ДАРС.

XII. PAINT ДАСТУРИДА ИШЛАШ




Paint дастурида ишлаш учун **Пуск > Программы > Стандартные > Paint** тартибда кирилади.

Paint дастури ойнасида куйидаги белгилар мавжуд:


- **«Выделение»** — расмнинг бирор қисмини белгилаш.
- **«Ластик»** — ўчирғич билан ўчириш.
- **«Выбор цветов»** — ранг танлаш.
- **«Карандаш»** — қаламни ишлатиш.
- **«Распылитель»** — ранглари сепиш.
- **«Линия»** — ҳар хил чизиқлар чизиш.
- **«Прямоугольник»** — тўғрибурчаклар чизиш.
- **«Эллипс»** — доирасимон шакллар чизиш.
- **«Заливка»** — бўяш учун ранг тўкиш.
- **«Масштаб»** — расмларни ҳар хил масштаб (катталиқ)да кўриш.
- **«Кисть»** — ҳар хил «кисточка» (мўйқалам)лар билан ишлаш.
- **«Надпись»** — матн ёзиш.
- **«Многоугольник»** — турли кўпбурчакли шакллар чизиш.
- **«Скруглённый многоугольник»** — овал шаклдаги тўғрибурчаклар чизиш.
- **«Кривая»** — эгри чизиқларни чизиш.

Paint дастури ойналари йўқолиб қолганда, меню қаторидан **«Вид»** **Набор инструментов»** ёки **«Палитра»** буйруғини берамиз.




XIII. Дискдаги расмларни компьютер хотирасига кўчириш

1. CD-ROM га дискни кўямиз.
2. Word дастурига киришимиз.
3. Меню қаторидан **«Вставка» > «Рисунок» > «Из файла»** буйруғини берамиз.



4. «Добавление рисунка» ойнаси чиқади:



5. **«Мои рисунки»** — бир марта «сичконча»-нинг чап тугмачасини босамиз, «D» дискга ўтамыз ва ойна очилади. Расмлар турган ойнани танлаб, тугмачасини бир марта босамиз.



6. Расм танлаб, «сичконча»-нинг чап тугмачасини бир марта босиш орқали «Вставить» буйруғини берамиз.

Натижада танланган расмимиз Word ойнасида ўтиб қолади.

(Давоми бор.)

Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ,

«Эффект-молия» ўқув маркази бош мутахассиси



«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз, бизнинг масъулиятимиз — сизнинг келажагингиз!!!»

«ЭФФЕКТ-МОЛИЯ»

Ўқув-илмий маркази **чўқур** ва сифатли билим олишга интилан ёшларни 30 хилдан ортиқ йўналишлар бўйича 100 фоиз амалиёти ва қафолати билан замонавий мутахассисликлар тайёрловчи кўндалаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

БЎЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР НОМЛАРИ

	Нархи 1 ойга (сўм)	
	Нақд пул	Пул ўтказиш
I. Молия — Иқтисод ва бошқарув бўлими: (якка тартибда ва кичик гуруҳларда)		
• Бухгалтер-молиячи — чуқур ўргатувчилар учун (Бухгалтерия, Компютер, Интернет) — 6 ой, олий курс (бош ҳисобчи даражасида)	25000	40000
• (Бухгалтерия, Компютер, Интернет, 1С:Бухгалтерия) — 1 йил. Тезкор мос равишда 3 ой, 5 ой.		
• 1С: Бухгалтерия — 1 ой (компютерда бух. ҳисоби) тезкор — 1 ҳафта, якка тартибда.	40000	50000
• Ўрта ва кичик бизнес менежерлиги бошқаруви (маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, меҳнат қонунчилиги, компютерда ишлаш, ва эффектив бошқарув сирлари...) — 6 ой, тезкор — 3 ой.	25000	40000
• Қадрлар иши ва меҳнат қонунчилиги — 3 ой, тезкор — 1,5 ой, якка тартибда (Компютер, Интернет ва Меҳнат қонунчилиги).	25000	40000
• Секретар-референт (Компютер, Бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш, Иш юритиш тактикаси — 2 ой), тезкор — 1 ой.	25000	40000
II. Компютер технологиялари бўлими: (фақат якка тартибда)		
• Компютерда офис ишлари (бошловчилар учун тулқил курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Мулдлати — 2 ой, тезкор — 1 ой ёки 15 кун.	15000	25000
• INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 кун.	15000	25000
• Photoshop 8, Corel DRAW, 3D Studio Max, AUTO CAD Macromedia Flash MX, PageMaker ва бошқа дастурлар — 1 ой, тезкор — 7-10 кун.	30000-50000	50000 (ҳар бири)
• WEB-сайтлар яратиш — 2 ой, тезкор — 15 кун.	30000	40000
• Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой, тезкор — 7-10 кун.	30000	40000
• Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, тезкор — 7-10 кун.	30000	40000
• Дастурлангиларни (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0, DELPHI) — 3 ой, тезкор — 1 ой...	40000	50000
III. Тилларни мукаммал ўрганиш бўлими: (фақат кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)		
• Инглиз тили — (бошловчилар учун) — 4 ой.	12000	15000
• Инглиз тили — (чуқур ўрганиш) — 4 ой.	12000	15000
• Инглиз тили — (олий курси) гаиллашув клуби. Гид — таржимон — 4 ой.	12000	15000
• Рус тили — (бошловчилар учун) — 3 ой.	12000	15000
• Рус тили — (давом эттирувчилар учун) — 3 ой.	12000	15000
IV. Йиғиш-қизларни ҳаётга профессионал тайёрлаш бўлими: (якка тартибда ва кичик гуруҳларда)		
• Сартарош-стилист, педикюр-маникюр (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой.	10000	15000
• Косметолог-визажист — 2 ой, олий курси билан.	10000	15000
• Тиббиёт ҳамшираси, массажчи — 4 ой, (ўқиш поликлиникада олиб борилади).	10000	15000
• Тикниш-бичиш, моделастириш ва элита пардаларини тикиш — 4 ой.	10000	15000
• Ўстки астарли кийимларини тикиш — 2 ой (якка тартибда).	15000	25000
• Тўй ва оқшом кўйлақларини тикиш — 2 ой (якка тартибда).	15000	25000
• Газламалардан гуллар ясаш — 1 ой (якка тартибда).	15000	25000
• Бисер усулида каштачи-безакчи — (олий курси) — 2 ой.	10000	15000
• Машинада кашта тикиш (вишишка) — 2 ой (якка тартибда).	15000	25000
• Қўлда тўкиш (олий курси билан биргаликда) кийимлар, буюмлар — 2 ой (якка тартибда).	15000	25000
• Пазандалик (олий курси билан биргаликда) — (энг замонавий нишириқлар, торлар, салатлар, овқатлар...) — 3 ой.	10000	15000
• Ўйғур, миллий ва европа таомлари (40дан ортиқ овқатлар ва салатлар) — 2 ой.	10000	15000
• Заргарлик — 4 ой (якка тартибда) ва ҳақазо касб-хуналар...	25000	40000

Эффектив билим
олиш маскани III

Дарслар фақат якка тартибда ёки кичик гуруҳларда дилдор ҳужжат топширилгандан кейин босилади. Ўқувчилар стандарт ўқув дастурлари ва кўпламалари билан таъминланади, мазкурлар тушуқларни усулларда «Устоз-шогирдлик» асосида, қатъий тартиб мувофиқи ўргатилади. Бир мазкурни ўқитишмасдан кейингиларни ўқитмайди. Натижада амалиётда беғамол ишлаб кета оласиз!
Ўқиб вақтини бўш вақтингизга қараб ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари ҳам мавжуд. Ўқиб ўқиб фақат **паспорт** ёки **туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома** талаб қилинади.

Таст натижаларига кўра лицензияланган **Диплом** берилади.
Қабул 90%-100% дам олиш кўни — яқинда. **Ўқоқона** — 1 ойга 15000 сўм.
Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115).
Қолиш йўли: Метронинг «Минор», автобусларнинг «Козогистон» кинотватри бекаги.
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.
Мўлжал: «Козогистон» кинотватрининг ўнг томонидаги 84-уй.

Хотира уйгонса гўзалдир, дейишларича бор. Зотан, киши ҳаётининг энг гўзал ва мазмунли онлари ана шу ўчмас хотира туфайлигина кўз ўнгингизда қайта қад ростлайди. Орамизда бугунги кунда бўлмаган табаррук инсонлар номи ва азиз сиймоси қайта-қайта ёдга олиншининг асосий сабаби ҳам шу бўлса керак.

Ўтганларнинг руҳи шод бўлсин...

Бухоро вилояти алоқа тизimini ривожлантиришга салмоқли хисса қўшган, бироқ ҳозирда ҳаёт бўлмаган инсонлар тўғрисида сўз борганда, мен беихтиёр Абдуҳаким Абдурахмонов, Ибрафил Чакидзе, Ашур Соҳибов, Жаҳон Турдиев, Туроб Тўраев, Урол Хайдаров, Нор Хайитов, Ашур Азимов, Рўзимурод Латиповларнинг табаррук номларини ҳуқур ҳурмат ва айни чоғда бироз изтироб билан тилга олгим келади. Изтиробим боиси уларнинг ҳозир орамизда йўқлиги бўлса, чексиз ҳурматим сабаби — улар бошлаган хайрли ишлар бугунги кунга келиб алоқа соҳасида ўз мевасини берганлиги ва, албатта, бардавомлигидир.

Бу инсонлар билан бирга ишлаган йилларим ҳаётимнинг энг

ёркин, ғайрат-шижоатга тўлиқ дамлари сифатида хотирамда муҳрланиб қолган.

Орадан йиллар ўтади. Фидойи инсонлар номи ва улар амалга оширган бунёдкорлик ишлари янги-янги авлодларни юксак марраларни забт этишга, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида янада фаолроқ ишлашга ундаши турган гап. Ўтганларнинг пок руҳи шод бўлиши учун эса ҳамкасбларим вилоят алоқа тизimini ривожлантиришга баракали улуш қўшишларига, бу борада қўлларидан келган барча ишни қўлшишларига ишонаман.

Одил БОБОМУРОДОВ,
“Бухоро Телеком” филиали директори ўринбосари

Ёниб яшаган инсон

Маҳмуджон Жўраев ҳаёт бўлганида эллик етти ёшга тўлган бўларди...

Алоқа тизимидаги фаолиятини 1976 йилда бошлаган М.Жўраев дастлаб Андижон телефон-телеграф станциясида телеграф цехи электромеханиги, кейин муҳандис вазифасида меҳнат қилиб, вилоятда соҳанинг тажрибали мутахассиси сифатида танилди. Муҳандис вазифасига тайинлангач, эски телеграф аппаратларини янгиларига алмаштириш, замонавий станцияларни монтаж қилиш ва ишга туширишга, шунингдек, вилоятда телеграф алоқасининг мўътадил, узлуксиз ишлашига хисса қўшди.

Маҳмуджон ака ишга бўлган масъулияти, мижозларга алоқа хизмати кўрсатиш маданияти, ўз малакасини мунтазам ошириб бориши билан меҳнат жамоасида обрў қозонди. Телеграф цехи ускуналари, линиялари, умуман, алоқа иншоотларида вужудга келган носозликларни тузатишда алоҳида тadbиркорлик кўрсатди. Вилоят ва Андижон шаҳрида телекоммуникация тармоқларини, хусусан, телеграф техникасини замонавий алоқа воситалари билан жиҳозлаш, алоқа хизмати ишини тўғри ташкил қилиш ва бошқаришда ўзини ҳақиқий мутахассис сифатида намоён этди.

Жумладан, телеграф йўналишида аппаратураларни эксплуатация қилиш, техник-иктисодий кўрсаткичларни яхшилаш, сифатли хизмат кўрсатиш йўлида бир нечта рационализаторлик ишларини тақлиф қилди. У кишининг тақлифлари нафақат Андижон вилоятида, балки республикамиз миқёсида ҳам тан олинган. 2005 йили Маҳмуджон аканинг рационализаторлик тақлифи “Ўзбектелеком” АК танловида фохрли учинчи ўринга лойиқ топилган. Унинг телеграф алоқасини компютерлаштириш билан уйғунлаштириш бўйича амалга оширган ишлари ҳам алоҳида эътиборга моликдир. М.Жўраевнинг электралоқа соҳасидаги изланишлари, алоқа техникасини ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатлари, фидокорона меҳнатлари муносиб баҳоланди. Ўзбекистон халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг II даражали дипломи, кўплаб фохрий ёрликлар, раҳбариятнинг ташаккурномалари бунга гувоҳлик бериб турибди. У 2003 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Ўз касбининг устаси” белгиси билан тақдирланган эди.

Маҳмуджон ака 1997 йилдан умрининг охиригача Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг телеграф цехини бошқарди. У телеграф соҳаси ишини ташкил қилиш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, ёшларга устозлик қилишни ўзининг асосий бурчи деб биларди.

Маҳмуджон аканинг ёрқин хотираси андижонлик алоқачилар қалбларида умрбод сақланажак.

Ҳамкасблари номидан
Раҳмонжон УЗОҚОВ
Андижон вилояти

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Қалбдаги нур манбаи

Ҳалимлик, мўминлик, донолик — Мамасодиқ отанинг юз-кўзларига нур бағишлаган фазилатлар. “Ожизлик, кўрқоқлик, дангасалик, ёмонлар қаҳридан паноҳ тилаб, ўзимни ўзгаларга озор етказиб қўйишдан эҳтиётлаб яшадим...” Бу эса отахоннинг саксон икки йиллик умри давомида амал қилган фалсафаси — қалбдаги нур манбаидир.

Шу фалсафага суюниб яшагани учун ҳам кам бўлмади. Мўъжазгина ҳовлиси невараче-вараларга тўлганда, маҳалладан, ишонаси — Учқўприк тумани телекоммуникациялар боғламасидан йўқлаб келишганда, мактабларга учрашувларга чорлашганда, қирқ ёшлик йигитлардек бардам-бақувват бўлиб кетди. Худо кам қилмагани шу бўлса керак-да.

Эҳ-хе бу бошдан нималар кечмади. Ота-онаси Украинага қулоқ қилинганда, Мамасодиқ ота беш ёшда эди. Мелеченка қишлоғида кечган 11-12 йиллик уқубатни, машаққатларга тўла турмушни унутиб бўлармиди. У интернатда ўқир, ота-онаси дала ишлари билан шуғулланишар эди...

— Ҳаммасига чидайман, бироқ она юрт соғинчига чи-долмайман, ўғлим, — дерди Аҳмаджон ота шашқатор ёшларини тўхтата олмай. — Сен Ватанга қайтишинг, чирғимизни ёқиб ўтиришинг керак...

Кўп ўтмай уруш-бошланди. Икки ёш — Мамасодиқ билан Мухаррамоини никоҳлаб қўйишди. Отаси билан қайнотаси Мўйдинбойни кўплаб қулоқ қилинганлар қатори Қозоғистонга олиб кетишди. Отахон ўша ерларда вафот этган отасини эслаб ҳамон эзилди. Аммо вастияларини бажо келтириш бахтига муяссар бўлганига шукр қилади.

—17 ёшимда армия сафига чакирлидим, — дейди Мамасодиқ ота Мамаюсупов. — 1-Ук-



раина фронтида бўлганман. Большая Лопата қишлоғи яқинида жангда ўнг елкамдан яра-дур бўлдим. Астрахандаги госпиталда даволандим. 1944 йилда яна сафга қайтдим. Сталинград учун 27 кун жанг қилдик. Калинин шаҳрида бизни отлик армияга тайёрлашди. Ўн кунлик тайёргарликдан сўнг Полшани озод қилиш учун жангга кирдик. Биринчи отлик армиянинг 49-полкида оддий аскар эдим. Жангда ўнг сонимдан яраландим. Боку шаҳридаги госпиталга келтиришди. Жароҳатим оғир эди. Оёғимни кесиб ташлашмоқчи бўлишди. “Йўқ, мен оёғимни бегона юртларга ташлаб кетмайман!”, деб туриб олдим...

Икита кўлиқтаёқда Мелеченкага йўл олдим. Ҳўкиз аравада бир амаллаб элтиб қўйишди. 1945 йилнинг январигача ерда яшаб, сўнг она қишлоғим — Донега қайтдим. 1946 йилда Фарғонадаги монтерлар тайёр-

лаш курсида ўқиб келган, Учқўприк алоқа тармоғида монтер бўлиб ишлаб бошладим.

Бошлиғимиз Голдман яхши одам бўлиб, пишик-пухта ишлашга ўргатар, ҳаммага бирдай ғамхўр эди. Ушанда 50 рақамли коммутаторда ишлардик. Сўнгра унинг ўрнига 120 рақамли қўлда бошқариладиган коммутатор ва Морзе телеграф аппарати ўрнатилди. Мени бу вақтга келиб бошлиқ ўринбосари қилиб тайинлашганди. 1956 йилда янги алоқа биноси қурилди. 240 рақамли ЦБ коммутатори ҳамда СТ-35 телеграф аппарати ўрнатилиб, ишга туширилди. Буларнинг бари бизлар учун оламшумул янгилар бўлиб, ҳар бирини бошимиз осмонларга етгудай шод-хушрамлиқ билан қутиб олардик.

Ҳозир эса электрон станциялар, компютер технологиялари... Эҳ-хе, уларни кўриб, ақл шошиб қолади! Лекин бизнинг техникаларни сақлаб қўйинглар, музей ташкил этинглар, булар тарих, тарихни унутманглар. Шунда бошлаган ишларинг хайрли бўлаверади.

Донишманд отахоннинг ҳар сўзи, ҳазил ибораси — ҳикматга тўла, тинглаб ҳузурланасиз. Отахоннинг турмуш ўртоғи Мухаррамой хола салкам қирқ йил мактабда математикадан дарс берган, шоғирдлари ичидан раҳбарлар, олимлар етишиб чиққан. Тўнғичлари Солиҳон ҳам алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлади. Одинахон чевар, Ҳамидхон Учқўприк телекоммуникациялар боғламасида иқтисодчи бўлиб ишлаб келмоқда.

— Шундай шарофатли кунларга етказганига шукр, — дейди Мамасодиқ ота. — Шу кичик ҳовлида 15 чевара, 13 эвара билан яшаймиз. Тинч яшаймиз. Болаларим, энг муҳими, тинчликдек бебаҳо бойлиқнинг қадрига етинглар.

Ҳафиза САЛҲОВА
Фарғона вилояти

MINNATDORCHILIK MAKTUBI

Ўзимизнинг домла

Умрини илмга бағишлаган домламыз — Тошкент ахборот технологиялари университетининг “Касбий таълим” кафедраси мудири, профессор Абдувоҳид ҚОСИМОВ ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. У киши ўзининг қирқ йилдан кўп педагогик фаолияти давомида биз каби минглаб талабаларга нафақат илм силарини, балки илм бериш маҳоратларини ҳам сабот билан ўргатиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда А.Қосимов ёшлардек энг шимариб, ғайрат-шижоат билан ижодий ҳамда ижтимоий фаолиятини давом эттирмоқда. Айниқса, талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратади. У кишининг айтишича, ёшлар қанчалик билимли, ўткир зеҳни ва ўз фикрини намоён қила оладиган қилиб тарбияланса, юртимиз ҳам шунчалик раванқ топади.

Абдувоҳид ака университетимиз фаолиятини давр талаблари асосида такомиллаштириш, унинг илмий-педагогик салоҳияти, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хисса қўшиб келяпти. Шунингдек, домла университетимиз “Талабалар уйи”да тез-тез турли мавзуларда қизиқарли илмий суҳбатлар уюштиради. Талабаларнинг яшаш шароитлари билан ҳам қизиқиб, улардан ёрдамини аямайди.

Домланинг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ҳамда “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” курслардан маърузалар матнлари биз — талабалар учун фойдали қўлланмадир. Ўз манфаатини эмас, балки ўзгаларни ҳам ўйлаб, эртаю кеч тинимсиз изланиш олиб бораётган домламыз Абдувоҳид ака Қосимовга сиҳат-саломатлик, куч-қувват, ижодий муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Аҳмат ОЛМОСОВ,
ТАТУ 1-босқич магистранти,
Мухайё ЗОИТОВА, Лайло МУҲАМЕДОВА, Хурсанд САБУРОВ,
4-босқич талабалари

MASHHUR SAN'ATKOR, O'ZBEKISTON XALQ ARTISTI TAMARAXONIM TAVALLUDIGA 100 YIL TO'LDI

Асли келиб чиқиши Тоғли Қорабоғдан бўлган арман йигити Артём Петросян ўзи ишлаётган завод топириғи билан Астрахан шахрига юборилади. Йигит топириқни бажариб бўлиб, шахардаги циркка киради ва у ердан чиқаётиб, шу шахарлик бир киши билан танишиб қолади. "Мусофир экансиз, ука. Бугун бизнинг уйимизда меҳмон бўлинг", дейди у. Артём самимий таклифни рад этгиси келмайди ва унинг уйида меҳмон бўлади. Уша файзли оқшом астраханлик мезбон хонадонидagi ширин суҳбат асносида тоғли қорабоғлик йигит билан хонадон соҳибининг кўхлик қизи ўртасида илиқ муносабат вужудга келади. Бу муносабат икки қалбда муҳаббат туйғуларини уйғотади ва кўп ўтмай улар тўй-томоша қилиб, турмуш қуришади. Дастлаб улар бахтли ҳаёт кечиришади. Лекин маълум вақт ўтиб, Артём Николай подшо тузумига қарши фаолият юритганликда айбланиб, Туркистон ўлкасига сургун қилинади.

Артём аввал Тошкент, кейин эса Кўкон турмасига юборилади. Бу пайтга келиб, уларнинг оиласида икки қизалоқ таваллуд топтиган, хотини унинг фарзанди ҳомилдор эди. Артёмнинг онаси қамқоқона бошлиғи ҳузурига кириб, қийин аҳволда турмуш кечириётган келини, унинг норасида икки гўдаги, унинг фарзанди яқин кўнларда туғилмаган ҳақида арз қилди, уларнинг турма яқинидаги маҳаллардан бирида муқим яшашига ижозат сўрайди. Турма бошлиғи бу арз-сўрада бефарқ қарамади ва марғилонлик ясовулбоши Диёр отани чакиртириб, хонадонидан жой беришни илтимос қилади. Диёр ота эски каптархонасини енгил таъмирлаб, печка ўрнатиб, ёш оилага жой қилиб беради. Бу орада Артём ҳам қамқоқ муддатини ўтаб, оиласи яшаётган уйни яхшилаб таъмирдан чиқаради ва би-нойидек уйга айлантиради.

Маҳалладагиларнинг тили келишмай "Артин ака" деб чакир-шадиған Артём хонадонида бу пайтга келиб унинг қиз ҳам дунёга келади. Ушбу қизалоқларнинг тўнғичи Амалия кейинчалик жур-налист ва таржимон бўлиб етишиб, машҳур шоир Чўпоннинг кўпгина асарларини рус тилига таржима қилади. Иккинчи қиз Тамара ва унинг синглиси — Гавхарлар санъат йўлини танлашди. Тўртин-чи қиз — Луиза ҳам оналарига эр-гашиб санъаткор бўлди.

Тамарахоним 1906 йил 16 мар-тада Янги Марғилон шахарчасида таваллуд топди. Унинг болалик йиллари осон кечмади: отаси ка-саллик туйғайи эри қазо қил-ган, онаси эса тиф касали билан оғриб, Марғилондаги касалхона-лардан бирида оғир аҳволда ётар, уйда эса бир этак болалар қаро-висиз, оч-юпун қолган эди. "Бир кун, — деб ҳикоя қилади Тама-рахонимнинг синглиси Гавхархо-ним, — маҳалла оқсоқоли жума намозига келганларга қарата: "Ахли жамоа, сизлар доимо етим-есирларнинг бошини силаб кел-гансиз. Мана шу хонадоннинг бо-лаларига ҳам қўлдан келганча ёрдам қилайлик, дедилар. Ўшан-дан сўнг уйимизга кимдир ярим-та нон, кимдир бир ҳовуч туршак, ҳеч нарса тополмаган эса тан-чамизга бир ҳокандоз чўғ таш-лаб кетарди. Биз маҳалла ахли-нинг меҳр-муруввати остида ул-гайдик, оғир йилларда маҳалла бизга мадад ва таскин берди. Ота-онамиз йўқлигини билдир-май, бизга юрагидан жой берган маҳаллани мен жуда муқаддас маскан деб биларман".

Агар киши қалбиди истеъдод учкун бўлса ва ўз вақтида му-раббий меҳри билан алангалатиб, ўт олдинрса, истеъдод бутун бўй-бадирни намойиш этади. Тамара-хонимдаги иқтидорни пайкаган бир қатор устоз ва санъаткорлар уни катта санъат йўлига етакла-шди. Шундай устозлар қаторида Ҳамза Ҳакимзода Нисийи, машҳур сўз устаси Юсуфжон қизик Ша-каржон, Уста Олим Комиловлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Тамарахоним ўзининг газета саҳифаларида эълон қилган "Ум-рин лавҳалари" деб номланган хотираларида Ҳамзани катта ҳур-мат билан тилга олади. "Ҳамза-нинг ўзини ҳали билмасам-да, — деб ҳикоя қилади у, — унинг қўшқилари мени мафун этганди. Ҳамза ота-онасиз, бошпанасиз болаларнинг аҳолини чуқур ту-

шунарди. Жуда яхши ёдимда: бир кун у мактабимизга келиб, шакафдан мандолинани олди ва чопонининг этаги билан чангини артиб, "Светит месяц, светит яс-ный"ни чалиб берди. Кейин "Ким ўзбекча қўшиқ билади?" — деб сўради. Шунда болалар мени ол-динга итариб, қўллари билан кўрсата бошладилар. "Қани, айт-чи", деди у. Мен озгимни қўлим билан тўсиб олиб, жим туравер-дим. Кейин зўр-базўр овоз чиқа-риб, кўзимда ёш билан етим ҳақидаги қўшиғимни айтиб бер-дим. Ҳамзанинг кўзларида ҳам ёш ҳалқаланди. "Жуда яхши, фа-кат бироз нотўғри. Майли, кейин ўргатаман..." Энди эса ҳаммагиз халқлар дўстлигига ва Петроград-

Бугина эмас, техникумда санъат тарихидан ўқилган маърузалар, Москва театрларининг спектакл-ларини мунтазам томоша қилиш, машҳур актёр ва режиссёрлар билан ижодий ҳамкорликлар унинг билимига билим, тажри-басига тажриба қўшди. Шу йил-ларда Тамарахоним дунёга ном-лари машҳур бўлган Анри Бар-бюс, Робиндранат Тагор билан учрашиб, суҳбатлашди. Уша пай-тларда ташкил этилган концерт-лардан бирида даврани олиб бо-рувчи йигит уни қутилмаганди "Тамарахоним" номи билан то-мошабинларга таништирди. Бу жарангдор ном шу-шу унинг асо-сий тахаллуси бўлиб қолди.

Муҳиддин қори Екубов билан



Тамарахоним

дан 14-бронепоезд келишига ба-ғишланган кечада қатнашасиз-лар", деди. Биз жуда ҳаяжонлан-дик, бутун мактабимиз билан ке-чага тайёргарлик кўрдик. Жуда аjoyиб кеча бўлди...

Рақс ва қўшиқ — ўзбек миллий санъатининг бу икки сирли ола-ми истеъдодли Тамарани бутун-лай ўзига мафун этган, у ана шу олам ҳаёллари билан яшар, унинг кенгликлариди парвоз қилишни истар эди. Айтишларига, 10-15 ёшдаёқ Тамара Марғилон ва Фарғона шахарларида аёллар йи-гинларида ўз рақси ва қўшиқла-ри билан ном қозongan, 150дан ортик рақс усулларининг етук иж-рочиси Юсуфжон қизикдан рақс сирларини ўзлаштирган эди. Уста Олим Комилов унинг бу соҳадаги билимларини янада бойитди.

Тамарахоним истеъдодининг ёрқин юлдузи кундан-кунга ра-вшарок нур сочарди. Бу давр чи-дан-да эски қарашлар билан ян-гича қарашлар ўртасидаги син-фий курашларга қоришиб кета-ди. Ана шу зиддиятларга тўла даврда Тамарахоним фаолияти-нинг яна бир янги саҳифаси очил-лади: 1919 йилдан у Ҳамза труп-пасида фаолиятини бошлайди, Саҳна асарларида эпизодик ро-ларни муваффақият билан ижро этади. 1920 йилда Юсуфжон Қизик труппасида, 1921-1922 йил-ларда Тошкент рус опера ва ба-лет театрида ишлайди. 1923-1924 йилларда Москва театр технику-мида тахсил олиши ҳам беҳиз бўлмай, рус театрида ишлаши уни ушбу техникумга ўқишга юбори-лиши учун замин ҳозирлайди. Москвадаги ўқиш Тамарахоним-нинг санъатга бўлган муносаба-тини тубдан ўзгартирди, десак муболоға қилмаган бўламиз. К.Станиславский, В.Мейерхольд, Немирович-Данченко, В.Нежданов, Б.Геллер каби машҳур режис-сёр ва санъаткорлар билан ўзаро мулоқотлар Тамарахоним ҳаёти-да ўчмас из қолдирди. Улар Та-марахонимни жаҳон театр санъа-ти билан, жаҳон адабиёти ва санъатининг мумтоз намуналари билан яқиндан таништиришди.

ижодий ҳамкорлик Тамарахоним фаолиятида яна бир янги саҳифа очди. У тузган концерт труппаси 1926 йилдан ўзбек давлат кон-церт-этнографик ансамбли, 1929 йилдан эса ўзбек давлат мусика-ли театрига айлантирилди. Бу ижодий гуруҳда Тамарахоним ўз репертуарини яратди, бирин-кетин ўзи севиб ижро этадиган қўшиқ ва рақслар гулдастаси ву-жудга келди.

1925 йилда Парижда ўтказил-ган жаҳон амалий санъати кўргаз-маси Европа маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Кўргазмада Муҳиддин қори Екубов билан бир-га 19 ёшли Тамарахоним ҳам иш-тирок эди. У ўзбек миллий санъ-атини ilk бор француз саҳнаси-да намойиш этиб, аjoyиб рақс ва қўшиқлари билан уларни лол қолдирди. Машҳур рус шоири Сергей Есениннинг рафиқаси, рақоса Айседора Дункан билан Тамарахоним шу ерда танишди.

Театр ҳаёти Тамарахонимнинг янги-янги ижодий ўй-ниятларини рўйбга чиқарган тажриба майдо-ни бўлиб қолди. Устозларнинг кўмак, маслаҳатларидан илҳомлан-ган Тамарахоним "Аршин мо-лдон", "Ойдин", "Фарҳод ва Ши-рин", "Уртоқлар", "Лайли ва Мах-нун" каби унлаб спектаклларида бетақдор образлар яратди. Унинг 30-йиллардаги ижоди янада ба-ракали ва серфайз бўлди. Тама-рахонимни ўзбек халқи бошқа мил-лат вакиллари эмас, балки ҳақиқий ўзбек қизи деб эътироф этди, унинг тилисолида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, эркин ва зиёли ўзбек аёлини кўрди.

1932 йили М.Ашрафий номида-ги Тошкент давлат консерватори-яси биносида Тамарахоним номи-даги балет мактаби ташкил этил-ди. Муҳаррама Турғубоева, Галия Измайлова, Гавхар Раҳимова, Ро-зия Каримова, Маргарита Оқило-ва, Елизавета Петросова, Элла Та-зияж ва бошқа истеъдодли шоғир-длар устозлари Тамарахоним из-ланишларини давом эттирдилар.

1935 йили Лондонда жаҳон ха-лқлари рақсларининг биринчи фестиалида иштирок этган Та-

марахоним юксак савиядаги иж-ролари учун фестивал олтин ме-дали билан мукофотланди. Инсо-ният бошига оғир қулфатлар со-лган уруш йиллари Тамарахоним серкирра санъаткор — жангчи, пе-дадог ва мураббий, моҳир таш-килотчи, драматик артист, қўшиқ-чи, рақоса сифатида шухрат қозонди. Уша таҳликали йиллар-да Узок Шарқ, Кавказ, Эрон, Мўғулистонда берилган концерт-лар Киев, Австрия, Венгрияда ўтказилган ижодий учрашуларга улашиб кетарди. Маълумотларга қараганда, у биринчи Украина фронтинга кўп марта борган. Та-марахоним ижросидаги гўзал, ҳу-шқомат украин қизи Галия билан азамат ўзбек йигити Султон ўрта-сида тутилган пок муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқ қанча-қанча қалбларда гурур, ифтихор туйғу-ларини уйғотмаган дейсиз!

**Ай да Галия и Султан,
Украина и Узбекистан!**

Қўшиқни жуда кўп одамлар ёд-дан билишган. Санъаткор концерт-лардан тушган маблагининг бир қис-мини жангтоҳларда ҳалок бўлган-ларнинг болаларига жўнатади, ўз буюртмаси билан ясалган 77-ра-қамли танк ва ҳарбий самолётни ўзбек жангчилари хизмат қилаёт-ган ҳарбий қисмга тақдим этади.

Тамарахоним — фидойи қалб эгаси, том маънода жаҳон кезган санъаткор, халқлар ўртасида дўстлик ва тинчликни бор овози билан тараннум этган иходкор эди. Унинг қўшиқлари жаҳон хал-қларининг 86 тилида жарангла-ди. У рақс ва қўшиқлари билан Ҳиндистон, Англия, Франция, Ал-бания, Покистон, Афғонистон, Германия, Индонезия, Чехослова-кия, Мўғулистон, Италия томоша-бинлари олқишига сазовор бўлди.

Айтишларига, ўша даврда у концерт бермаган зарбдор қури-лиш қолмаган экан. Қурилиш ма-шиналари, техника воситалари ҳали етарли бўлмаган, ҳашар йўли билан барпо этилган иншоотлар-да — Катта Фарғона канали, Со-лор ГЭС, Кемерово азотли ўғит-

лар заводи, Озарбайжон "Нефт тошлари", "Запорожсталь", Братск, Каховск ГЭСларини тик-лаш ва қуришда у ижро этган қўшиқлар машаққатли меҳнатни енгилда катта руҳий қуч-қувват бағишлагани шубҳасиз. Унинг 50 ва 60-йиллардаги концерт афиша-ларида "Жаҳон ҳамда қардош ха-лқларнинг қўшиқ ва рақслари" де-ган сўзлар кўзга яққол ташланиб турарди. Булар шунчаки ялтироқ рекламабоп сўзлар бўлмай, улар замирида олижаноблик, инсонпар-варлик, бағрикенглик туйғулари муҳассам эди. Гап шундаки, у би-рор-бир халқ қўшиғи ёки рақсини ижро этадиган бўлса, ўша халқ турмуши, урф-одатлари, анъана-лари, этнографияси, миллий ўзига ҳослиғи, феъл-атворини пухта ўргатар, шунга мос кийим-кечак, либос, декорация танлашга ало-ҳида аҳамият берад эди.

Матн устида ишлаш, талаффуз меъерларига нисбатан гоъят та-лабчан бўлган. Унинг ижросида-ги "Яллама ёрим" (марғилонча), "Омонёр" (андихонча), "Эрта би-лан тураман" (қўқонча), "Фарго-нана рақс", "Бухороча рақс", "Лаз-ги" (хоразмча), "Бибижон" (турк-манча), "Янги ой" (мўғулча), "Никох тўйи" (грузинча), "Эшикни қокма" (озарбайжонча), "Гулизор" (туркча), "Чандо" (индонезча), "Ху-мор кўзлар" (арабча), "Бандай тоғи" (японча), "Чўпон рақси" (ко-рейсча), "Ширин забон" (афғон-ча), "Нилуфар" (хиндча), "Пари-зод" (қирғизча), "Жўражоним" (то-жикча), "Гармончи" (татарча), "Ай да Галия и Султан" (украинча) қўшиқлари рақслар билан уйғун-лиғи, оригинал ечими, жозиба-дорлиғи билан томошабинлар қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Ижодий фаолиятининг яна бир қирраси унинг ўзи яратган поэтик асарлариидир. "Алангали учкун", "Халқ олдидаги иқдор", "Гул ва овоз симфонияси", "Жоконда", "Зебо — ўзбек ҳарбий мадонна-си" каби асарларида у санъат та-рихининг синчков билимидни си-фатида қалам тебратди. Пол Роб-сон, Алексей Толстой, Арам Ха-чатурян, Сергей Рахманинов каби санъаткорлар билан ижодий ҳам-корлик ўрнатди.

Тамарахоним миллий халқ қўшиқларини мимика, рақс эле-ментлари ва диалоглар билан бой-итиб, улар негизда кичик муси-кий инсценировкалар яратди, мил-лий оммабоз эстрада санъати ри-вожига йўл очди. "Билагузук", "Ой-ихон", "Фабриканинг йўлидан", "Гулёр", "Тўйғуно", "Қари наво", "Усмоний" сингари рақслар жуда тез оммалашиб, халқ йиғинлари-да, ҳаваскорлар тўғаракларида се-виб ижро этиладиган бўлди.

У ўзбек халқ рақслари билан Европа мумтоз балет рақслари ҳаракатларини уйғунлаштирувчи дастурлар ("Баҳор", "Наво", "Қизил ва оқ аттигулар уруши" ва ҳо-қазоларни яратди. Улар миллий ўзбек балетининг юзага келиши-да, миллий хореографияни ривож-лантиришда муҳим омили бўлди. У биринчи ўзбек балетларидан "Гу-ландон" либреттосини Яйғун ва М.Яновскийлар билан ҳамкорлик-да яратиб, уни сахналаштирди ва ўзи бош ролни ижро этди.

Тамарахоним 1991 йил 30 июн-да 85 ёшида вафот этди. У ўзбек санъати ва маданиятини ривож-лантиришга қўлдан келган бетақдор ҳис-саси ва самарали меҳнати учун 2001 йилда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлан-ган. Тошкент шаҳридаги у яша-ган кўчага Тамарахоним номи бе-рилган, уй музейи барпо этилган.

Тамарахоним фаолияти миллий маданиятимиз ва санъатимиз та-рихида бутун бир даврни ташкил этади, десак муболоға бўлмайди. Унинг самимият ва зғуллика чор-ловчи барҳаёт қўшиқлари халқи-миз маънавияти хазинасидан му-носиб ўрин эгаллаган.

**Набижон СОЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
доценти**

Sport



UMID NIHOLLARI – 2006

ЙИРИК СПОРТ ШОДИЁНАСИ

Карши шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг анъанавий “Умид ниҳоллари – 2006” республика спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



“Умид ниҳоллари – 2006” спорт ўйинларига пухта тайёргарлик кўрилди. Мусобақалар арасида Карши шаҳрида кенг қўлланма бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилди. Жумладан, янги “Марказий” стадион қуриб фойдаланишга топширилди. Унинг ёнида қад рўстлаган Карши Олимпия заҳиралари спорт коллежи эса воҳа ёшлари учун ажойиб совға бўлди.

Тантанали очилиш маросимида “Марказий” стадион спорт муҳлислари билан тўлди. Стадионга гулдўрос қарсақлар остида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар терма жамоалари вакиллари кириб келишди.

Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев спорт ўйинларини очиб деб эълон қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг “Умид ниҳоллари – 2006” спорт ўйинлари иштирокчиларига йўлланган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, Давлат байроғи ҳамда “Умид ниҳоллари – 2006” спорт мусобақаси байроғи кўтарилди.

Спорт ўйинлари оловини дзюдо бўйича икки карра Ўзбекистон чемпиони Бехзод Сатторов ҳамда самбо бўйича мамлакат биринчилиги ғолиби Хуршида Бобошеввалар ёқди. Мусобақа иштирокчилари спорт баҳсларида ҳалол курашишга ваъда бердилар. Йирик спорт шодиёнасининг тантанали очилиш маросими эстрада юлдузларининг катта концертига уланиб кетди.

MINI-FUTBOL



AFC
FUTSAL
CHAMPIONSHIP
UZBEKISTAN 2006

ЎРТОҚЛИК
УЧРАШУВИ

Футзал бўйича
Ўзбекистон терма
жамоаси 16 ва 18 май
кунлари Кувейт терма
жамоаси билан ўртоқлик
учрашуви ўтказишни
режалаштирмоқда, деб
хабар беради
www.uzfootball.com
Интернет сайти.

Бу Тошкентда ўтказиладиган Осиё чемпионати иштирокчилари учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси қўрға натижаларига кўра “А” гуруҳидан жой эгаллаган бўлиб, Хитой, Хитой Тайпейи ва Малайзия терма жамоалари билан ярим финал йўлланмаси учун кураш олиб боради. Кувейт эса “С” гуруҳида Киргизистон, Ливан ва Австралия футболчилари билан беллашади.

FUTBOL

АНГЛИЯДА БОШ МУРАББИЙ
МАСАЛАСИ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Германияда ўтадиган Жаҳон чемпионатидан сўнг Англия терма жамоасида янги бош мураббий иш бошлайди. Бу ўринни ҳозирда премер-лигининг “Мидлсбро” жамоасини бошқариб келаётган Стив Маккларен эгаллайди.



Мамлакат футбол федерацияси раҳбарлари ва 45 ёшли ушбу тажрибали мутахассис ўртасидаги музокаралардан сўнг шундай қарорга келинган. Шартнома муддати 4 йилга белгиланган. Келишувга биноан Стив Маккларен 1 августдан бошлаб Англия терма жамоасини бошқаради.

— Бу мен учун улкан шараф ва мураббийлик фаолиятимнинг энг юқори чўққисидир, — деди “Мидлсбро” жамоасини УЕФА кубоги финалига олиб чиққан мураббий.

АНРИ ПРЕМЕР-ЛИГАНИНГ ЭНГ
ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

“Арсенал” жамоаси сардори Тиери Анри премер-лигининг 2006 йилдаги энг яхши футболчиси деб эълон қилинди.

Анри чемпионат якунланиши арасида ўз ҳисобига 24 гол ёзиб қўйган ҳолда тўпурарлар рўйхатини ҳам бошқармоқда. Ушбу мавсумда француз ҳужумчиси “Арсенал” сафида 200 гол уриб, Бастин Клиф томонидан ўрнатилган рекордни янгиллади.

Шунингдек, Анрининг ажойиб ўйинлари тўғрисида “канонирлар” ўз тарихида илк бор Европа чемпионат лигасининг финал учрашувида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

txabar@mail.uz

SHIFOKOR MINBARI

БЎҚОҚ
КАСАЛЛИГИ

Бўқоқ кенг тарқалган касалликлардан биридир. Бу касаллик ҳақида буюқ олим Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китобида ҳам маълумотлар келтирилган.

Касалликнинг келиб чиқишида қалқонсимон без катта рол ўйнайди. Мазкур без икки секрециянинг катта беши бўлиб, у кекирданинг олдинги томонида, ҳиқилдоқдан бир оз пастда жойлашган. Қалқонсимон без тоқ бўлиб икки палладан иборат, унинг вазни 30-40 грамм. Тупроғида, сувида ва озиқ-овқатларида йод етишмайдиган ҳудудларда қалқонсимон безнинг вазни бирмунча катта бўлади. Одамларнинг ёши улғайган сари безнинг кичиклашиши кузатилади. Қалқонсимон без иккита гормон — тироксин, трийодтиронин ишлаб чиқаради ва бевосита қонга қўшилади. Бу гормонларнинг ҳосил бўлиши учун тирозин аминокислотаси ва йод зарур бўлади. Бундан ташқари, қалқонсимон без калцитонин ҳам ишлаб чиқаради. Бу эса калций алмашувини бошқаради.

Қалқонсимон без гормонлари тўқима ва органларнинг етилишини, ишлашини идора этиб, уларнинг иш бажариш фаоллигини, ўсишини, модда алмашувини белгилаб туради.

Гипотериоз касаллиги табиатда йод етишмайдиган жойларда кўп учрайди. Масалан, кулранг ва бўзтупроқли жойларда йод етишмайди. Бундай ҳудудларда бўқоқнинг ҳар хил турлари учраб туради. Агар қалқонсимон без бир текисда катталашса — диффуз бўқоқ, ўнг ёки чап бўлаги катталашса — тугунли бўқоқ деб аталади.

Диффуз токсик (заҳарли) бўқоқда тиреоид гормонларнинг кўп ҳосил бўлиши модда алмашувини оширади. Натижада ксилород кўп микдорда истеъмол қилинади ва организмда иссиқлик ҳосил бўлади. Оқибатда эса юрак уриши тезлашади, тери томирлари кенгайди, тер чиқиши кучаяди. Асаб тизимининг сезувчанлиги, меъда-ичак йўлининг фаолияти ошади.

Қалқонсимон безнинг орқа томонида катталиги 10-15 мм. келадиган нўхатдай таначалар бор. Уларнинг сони 2дан 12тагача, кўпинча 4та бўлади. Бу безчалар паратиреоид безлари дейилиб, паратиреоид гормон ишлаб чиқаради. У организмда калций ва фосфор моддаларининг алмашувини тўғрилаб туради.

Юқорида айтилган жараёнлар бузилганда, юрак уриши тезлашади, унинг атрофида оғриқ пайдо бўлади. Уйку бузилади, одам озиб кетади, асаби бузилиб, ҳаёлга берилувчан ва тез қарчайдиган бўлиб қолади, касаллик кундан кунга зўрға бошлайди.

Бемор тез шифоконга ётқизилиб, режа асосида даволаниши керак. У тинч хонада дам олиши, 7-8 соат ухлаши, асаб ва руҳий зўриқишдан сақланиши лозим. Беморнинг овқати хилма-хил, витаминли бўлиши шарт. Чекиш, спиртли ичимликларни ичиш ман этилади. Қуёшда юрмаслиги керак, акс ҳолда касаллик зўрайиб кетади. Бўқоқ касаллиги аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди. Болалар ҳам бу касаллик билан оғрийди. Бемор ўз вақтида шифокорга мурожаат қилса, тез тубулиб кетади. Касалликнинг олдини олган маъқул.

Телман ПИРНАЗАРОВ,
олий тоифали шифокор

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон
МУҲАММАДЖОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигинда
042 рақами билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Мироля САНГИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфило ТУРСУНОВ (масъула котиб)
Асадов ХУҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Тахрират келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахрират фикридан фарқлашиши мумкин.
Наширимиздан қўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тажрибӣ материал — 9.
Реклама матнларининг тўғрилиги тахрират жавобгар эмас.
Раҳам ва доншларнинг ҳақдорлиги учун мақола муаллифи масъуладир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Маъзилнинг: 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Маъзил: Тошкент шаҳри,
“Буюқ Турон” кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А. БҮРИЕВ.

754-G сонда буюртма.
Офсет усулида
босилди.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 8502 нусха.

Матн тереувчи:
Д. МАТҚУРБОНОВА.

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилган вақти — 20.00.

Жамоатчи муҳбирларимиз:	Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
	46-47-80	226-22-14	40-12-19	226-26-96	222-56-30	226-61-85	222-14-63	34-06-71	224-06-12	133-36-48	226-43-13	226-87-71	23-04-89

TURMUSH CHORRAHALARIDA



Иброҳимжон янги бир хонали уй солиб, кўчиб чиққанига ҳам икки йилдан ошганди. Ниҳоят, учинчи йили эрта баҳордан яна иморат солишга киришди. Топган-тутгани билан базўр уйнинг томини ёпиб олди. Кейин маблағи тугаб, қурилиш тўхтади. Нима қилсин, у ҳам ойликка кун кўрадиган одам. Шунисиға ҳам шукр қилди. Шу кунлари улардан хабар олгани онаси келиб қолди. Хайринисо опа уйнинг сувоқ қилинмаганини кўриб, ўғлини койиди:

Миллионер сувоқчи

— Куннинг иссиғида сува-тиб олсанг бўлмайми, эрта-ин-дин ёмғир ёғса, қолиб кетади.

— Онажон, пул қолмаганиди, шунга... — елкасини қисди Иброҳимжон.

— Бир оғиз менга айтсанг бўларди-ку. Биз ҳам қараб тур-масдик. Эртагаёқ уста сол. Хиз-мат ҳақини мен бераман.

Иброҳимжон онасининг гапи билан эртасигаёқ уста излади. Маҳалласидаги сувоқчи йигитлар иш олиб қўйишган экан. Ноилж шаҳарга, мардикор бозорига йўл олди. Уни бир зумда одамлар ўраб олишди. Гаплашди, лекин у айтган пулга ҳеч ким рози бўлмади. Шунда четда турган бир киши: «Қанча берсангиз ҳам майли, розиман», деди. Атроф-дагилар уни маломат қилишди: — Бу қаёқдан келиб қолибди? Ким ўзи, бугун келибоқ нархни тушириб юборадиган? Сувоқ қилиш осон иш эканми, розиман эмиш. Ўргилдим, сендақа олиф-тадан...

Сувоқчи уларнинг гапига парво қилмай, Иброҳимжоннинг ортидан эргашди. Уйга етиб келишгач, астойдил ишга кири-шиб кетди.

Ниҳоят, бир ҳафта деганда иш тугади. Иброҳимжон ўғлини она-синикига пулга юборди. Ўғли олиб келган пул келишилгандан йигирма минг кам эди. Унинг боши қотди. Энди нима қилади? Ўша кунлари маошини олиши ке-рак эди. Ҳақини қандай маоши ҳам кечикди. Бирон қўшиндан қарз олишга: «Пули йўқ одам уста солишга бало борми?», дер-микан деб истихола қилди. Ос-мон узок, ер каттик, Юзи шувит бўлиб сувоқчининг ёнига борди. Минг хижолат билан деди:

— Уста, узр, сўзимнинг усти-дан чиқолмадим. Менинг уйла-ганим бўлмади. Пулингизни тўла-лигича беролмас эканман.

— Ҳеч хижолат бўлмагн, рўза-гача берсангиз бўлди.

Иброҳимжон, ҳозир топиб бе-расиз, деб оёқ тираб олса-я, де-ган ваҳимада эди. Сувоқчининг гапидан хурсанд бўлиб кетди. Чехраси очилди.

— Раҳмат, уста, раҳмат. Ни-ятларингизга етинг.

Иброҳимжон устани кўчагача қуза-тиб, уйига қира-қан, сувоқ-чининг яшаш манзилини сўраб олмагани ёдига тушиб ортига қайтди.

— Уста, тўхтанг.

Сувоқчи ҳам ҳайрон бўлиб тўхтади.

— Уйингизни сўраб олмабман. Узр, сизни йўлдан қўйдим.

Сувоқчи қулиб, манзилини айт-ди. Улар бошқатдан хайр-хўшла-шиб, икки томонга кетишди. Иброҳимжон янги сувоқдан чиққан иморатни кўздан кечираркан, қалби севингча тўлди. У ниҳоят-да хотиржам бўлиб қолганди. Ўпкасини тўлдириб нафас олар-кан, ўзи уйлаганидан ҳам яхши-роқ иш қилган сувоқчига минг-дан минг раҳмат айтди.

Орадан беш-ўн кун ўтгач, Иброҳимжон ойлик маошини олди. Йигирма минг сўм пулни олиб, сувоқчининг маҳалласига бор-ди. Етмиш учинчи рақамли уйни кўриб, адашиб қолдимикан, деб ҳаёл қилди. Негаки, бу уй ҳеч ҳам сувоқчининг уйига ўхшамасди. У баланд иморат-ларга қараб туриб, биронта бойроқ одамнинг ҳовлиси бўлса керак, деб ўйлади. Иброҳимжон энди қаёққа борарини билмай турганди, қўшни ҳовлидан бир қиз чиқиб қолди. Иброҳимжон унга юзланиб:

— Қизим, маҳаллаларингда Ҳамиджон исмли сувоқчи борми?

— деди.

— Ҳа, бор. Ўша уй Ҳамиджон акаларники, — деди қиз бепар-вогина.

— Сувоқчини-я? — ҳайрат би-лан яна сўради у.

— Адашмадингиз, биродар. Сиз излаган сувоқчи Ҳамиджон-нинг уйи шу.

Иброҳимжон овоз келган то-монга қаради. Икки-уч нафар чоллар масжиддан чиқиб кели-шайётган экан. Уларнинг гапи би-лан у кунгирадор дарвозани аста итарди. Дарвозахонада чет эл-нинг сўнгги русумдаги машина-си турарди. Атрофга кўз югур-тирди. Ховли чиннидай сўпурил-ган, анвойи гуллар бўй таратиб турибди. Айланасига қўрилган уйлarning нақшинкор безаклари унинг ақлу ҳушини ўғирлади. Бир зум турган жойида қотиб қолди.

Шу пайт ичкаридан оёқ тову-ши эшитилди. Уйдан биров чи-қиб қолса, ким деган одам бўла-ман деган ўй ҳаёлидан чакмоқ-дай чакнаб ўтди-ю, овоз берга-нини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ҳамиджон, хўв Ҳамиджон.

Ичкаридан пўрим кийинган бир эркак чиқди. Уни кўриб, Иброҳимжон ноҳўя иш қилиб қўйган ёш боладай бир қадам

ортга чекинди.

— Ие, ие, келинг Иброҳимжон, келинг.

У устанинг овозини эшитиб, юзига разм солди. Базўр тани-ди. Иккиси эски кадрдонлардай кучоқ очиб қўришишди. Уй эга-си ичкарига таклиф этди. Ибро-ҳимжон кўрпачага омонатига ўтираркан:

— Омонатингизни олиб келгандим, — деди овози би-роз титраб.

— Раҳмат, раҳмат.

Иккиси бир оз гаплашиб ўтиришди. Ниҳоят, Иброҳим-жон ўзининг хайратини яши-ролмай, сўради:

— Ўзингизга тўқ одам экан-сиз. Мардикор бозорига юр-ганингиз нимаси?

Ҳамиджон қулиб қўйди. Кейин шошилмай гапирди:

— Менинг сувоқчилик қили-шимни эшитган одам ажабла-нади. Баъзилар хатто юзминга: «Шундоқ одам, обўруйингизни тўкиб, сувоқчилик қилгани уял-майсизми?», деб ҳам айтишди. Лекин мен бу ишдан оранмай-ман. Мен отамнинг васиятини адо этялман. Бундан отамнинг руҳи шод бўлади.

— Отангиз нима деб васият қилганди? — қизиксиниб сўради Иброҳимжон.

— Раҳматли отам ниҳоятда меҳнаткаш ва ҳалол инсон бўлганлар. Бизни ҳам шундай бўлишга ундардилар. Отам до-имо бир гапни қайта-қайта уқтирардилар: «Болам, ҳаҳ са-фари, хайр-худойи фақатгина ҳалол меҳнат ортидан топилган пулга адо этилгандагина ижоб-бат бўлади. Сен ҳам мен ўтган-дан кейин эҳсон қилмоқчи бўлсанг, фақат пешона теринг билан топилган пулга қилгин. Шунда мен сендан у дунёю бу дунё рози бўламан».

Талабалик йилларимда оғай-ниларим билан сувоқчилик қилиб, пул ишлардик. Ўрганиб олганман. Шунинг учун отамга хайр-эҳсон қилмоқчи бўлсам, сувоқчилик кетидан топган пу-лимга адо этаман. Ўзим эса тadbиркорман.

Ҳамиджон меҳмонни кузатар-кан, уни индинга ўтказадиган ифторликка таклиф қилди. Иброҳимжон мухташам бинадон узоқлашаркан, бу ердан бир дунё сабоқ олиб қайтаётганди.

ТўЛГАН ОЙ

FILATELISTLAR BURCHAGI

1999 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

“Қорабайирлар” почта маркалари туркуми. 1999 йил. 25 май. Рассом А.АЛИҚУЛОВ.



жуд. Варақнинг пастки қисмида ўзбек тилида “Қорабайир-лар” сўзи ёзилган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қроғза офсет усулида босилган. Ўлчами 42х30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 59638 нусха.



192.




193.



194.



195.



196. “Қорабайирлар” почта блоки.

Блок ўлчами 90х70 мм. Блокдаги марка ўлчами 42х30 мм. Адади 10,0 минг нусха.

Табриклаймиз!

“Матбуот тарқатувчи” АК жамоаси компания ходими Озода МУЗАФФАРОВАНИ туғилган кўни билан табриклайди. Унга узок умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

“Самарқанд Телеком” филиали Булунгур телекоммуникациялар боғламаси жамоаси бош ҳисобчи Умирбой МУРОДОВНИ 60 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мухтажам соғлиқ, узок умр, ишларида улкан зафарлар тилаб қолади.

“Эффект-молли” ўқув маркази жамоаси марказ бош менежери Гулрух НЕБМАТУЛЛАЕВНИ туғилган кўни билан чин қалбдан муборакбод этади. Унга узок умр, бахт-саодат, ихлоли баланд бўлишини тилайди.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 19 май кўни чиқади.)